O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1998 йил, 10 март, сешанба № 29 (981).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 10 марта 1998 г. № 29 (981).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

## ФАРМОНИ

### К. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 март.

● АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Қомусий аллома Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси аъзолари Фарғона вилоятида бўлди. Улар Қува шаҳридаги қадимги Шаҳристон тепалигида олиб борилаётган археологик қазилма ишлари, меъморий обидалар, рамзий мақбара қурилиши, маданият ва истироҳат боғини бунёд этиш, Фарғонанинг мустақиллик майдонида буюк бобокалонимизга ҳайкал ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков юбилейга тайёргарлик кенг кўламда олиб борилаётганини қайд этди. Шу билан бирга, қурилиш ва ободонлаштиришни янада жадаллаштириш, Фарғона ва Қува шаҳарларига байрамона тус бериш, уларни кўкаламзорлаштириш, фавворалар қурилишига алоҳида эътибор қаратиш, бу хайрли ишга вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борада аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н. Мўминов иштирок этди.

# Қўшма комиссия мажлиси

Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси билан Швейцария конфедерацияси ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Швейцария қўшма комиссияси тузилган эди. Мана уч йилдирки, икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу комиссия муваффақият билан фаолият кўрсатиб келади. Айни пайтда Ўзбекистонда қиррқа яқин Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ишлаб турибди, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам йилдан-йил ўсиб бораётир. 1996 йилда бу борадаги кўрсаткич 510 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили 550 миллион долларга етди.

Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Швейцария қўшма комиссиясининг навбатдаги иккинчи мажлиси бошланди. Уни комиссия ҳамраиси — Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев очиб, швейцариялик меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлади.

Комиссиянинг Швейцария ҳукумати томони ҳамраиси — меҳмонлар делегацияси раҳбари Р. Рамзауэр Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун бирдек наф келтиришига ишонч билдирди.

Мажлисда мамлакатимизнинг бир неча вазирлик ва идоралари вакиллари швейцариялик ҳамкасбларини Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти жараёнлари, қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништирди. Қўшма комиссия мажлиси иштирокчилари Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, уларни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлар хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида ҳамда Европа Иттифоқи ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу ўринда Ўзбекистон ҳукуматининг кўплаб ривожланган давлатлар билан бир қаторда, Швейцария конфедерацияси билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни яхшилашга жиддий эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. «Банклар мамлакати» сифатида довруғ қозонган Швейцария жаҳон иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллаб турган давлатлардан биридир. Дунё миқёсидаги ташқи савдо айланмасининг 2 фоизи Швецария конфедерацияси ҳиссасига тўғри келади.

Қўшма комиссия мажлисида Швейцариянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси П. Хжановски иштирок этмоқда. Мажлис 10 март куни ўз ишини давом эттиради.

# Йил якунларига бағишланди

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахтабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлди. Унда банкнинг 1997 йилги иш якунлари ва банк фаолиятини мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис ўнинчи сессиясидаги нутқи ва Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бошқарув раиси К. Тошматов шу ҳақда маъруза қилди.

Таъкидландики, ўтган йили банк республикамизнинг барча вилоятларида қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналарини, йирик қурилиш иншоотларини кредитлаш ва маблағ билан таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажарди. Пахтачилик ва у билан боғлиқ тармоқларнинг муаммоларини ҳал этишда ҳамкорлик қилди. Асосий фаолиятини қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришга, ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга қаратди. Ўтган йили ана шу соҳа корхоналарига 80 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

Айни вақтда банк республикада инвестиция фаолиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Банк узоқ муддатли кредит беришда ушбу маблағнинг ҳам давлатга, ҳам жамиятга, ҳам банкка пировард салмоқли иқтисодий самара келтиришига эътиборни қаратмоқда, қимматбаҳо қоғозлар бозорини кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. У ўн бир мамлакатнинг йигирмадан зиёд банки билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйган.

Шунингдек, йиғилишда банк фаолиятидаги муайян ютуқларни қайд этиш билан бирга бу борадаги хато ва камчиликларга барҳам бериш зарурлигига асосий эътиборни қаратди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов қатнашди.

● «АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Дўмбиранинг боқий садоси

Республика Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарорни халкимиз зўр мамнуният билан кутиб олди.

Самарқандда улкан маънавий меросимиз — достону термаларни маромига етказиб куйлайдиган бахшишоирларнинг ўзига хос мактаби яратилган. Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли сингари ҳаҳқ бахшилари шулар жумласидандир. Республика бахши-шоирлари танловининг бир неча бор голиби, атоқли сўз устаси Ислом шоир Назар ўғлининг фарзанди — Зиёдулла бахши Исломов устозлар анъаналарини собитқадамлик билан давом эттириб келаётган достончилардан биридир.

— «Алпомиш» достони... ҳар гал ўзгача меҳр, иштиёқ билан, тўлиб-тошиб, жўшиб куйлайман, — дейди З. Исломов. — Ахир алп қоматли, дев келбатли Алпомишнинг ватанпарварлиги, юрт осойиши, ободончилиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Ойбарчиннинг садоқати, аҳду вафоси, чин муҳаббати, эл қайғуси, дарди билан яшашини жўшиб куйламай бўладими?

«Алпомиш» достони ўлмас асардир. Унда шундай бир қудратли ва енгилмас миллий руҳ мавжудки, уни куйлаганда, ҳатто тингланганда кишининг кўнгли тоғдай кўтарилади.

«Алпомиш» юртимизда яшаб ўтган кўплаб оқинлар, халқ бахшилари томонидан севиб куйланган Халқ достонига айланган ушбу ривоятни тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчириб, сайқал бериб, тўлдириб, бойитиб келган устозларимизни чексиз ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Отам Ислом шоир бу достонни зўр маҳорат билан маромига етказиб куйлаб, халқимиз онгига ватанпарварлик, инсонийлик, ўзбекона ғағри кенглик туйғуларини сингдирганлигини эсласам, улар нафақат халқ бахшиси, балки элни маърифатга чорлаган мураббий ҳам бўлганларига ишонч ҳосил қиламан. Улардаги улкан истеъдод, беқиёс тафаккур қудрати, калб назокати ва зиёси ўзлари куйлаган достонларнинг буюк руҳининг таъсири, деб биламан.

Халқ термаларида: «Соз билан суҳбатни ёлғон деманглар, Одам Ато бино бўлгандан бордир» дейилади. Ривоятларга кўра, энг биринчи шоир ҳам, дастлабки созанда ҳам Одам Атонинг ўзи бўлган. Момо Ҳаво эса дўмбирага торлар эшиб берган экан.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Самарқанднинг Лойқа қишлоғида Йўлдош, Қўлдош, Суяр бахшилар бўлмаганида Фозил Йўлдош ўғлидек улкан оқин чиқмас эди. Кўплаб шогирдлар етиштириб, эл-юрт ҳурматини қозонган Ислом шоир Назар ўғлининг фаолияти ҳам ибратга сазовор. Унинг жўшиб куйлашларидан завқ ва илҳом олиб, ижод булоғидан сув ичиб, мен ҳам достончи бўлдим. Давлатимиз бу соҳага катта эътибор қаратиб, ғамхўрлик кўрсатиб, уни равнақ топтириш учун кенг имкониятлар яратиб бераётганидан бошим осмонда. Айни пайтда шогирдларим ҳам достончиликнинг сиру асрорларини зўр иштиёқ билан ўрганаётганлигини кўриб, кўнглим янада ўсади. Нарпай туман маданият уйи қошидаги ёш бахшилар тўгарагида камол топаётган Сойимжон Эргашев, Исомжон Исломовнинг овозлари тобора сайқаллашиб, дўмбирага «қўллари келишиб» қолди. Хуллас, ҳукуматимизнинг қарори билан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги мустақил, озод ва обод, санъатсевар диёрримизда кенг нишонланиши мендек оддий бахшини ғоят қувонтирди ва илҳомлантирди. Бу ғоят хайрли ишдир. Бу тўйнинг катта тантана билан нишонланиши достончилигимиз тарихида янги саҳифа бўлиб қолади.

# Наврўз эшик қоқмоқда

Ҳар қандай байрамга қандай тайёргарлик кўрсангиз, уни шундай кутиб оласиз. Шу боисдан ҳам, ҳозирданоқ барча ташкилот ва муассасалар ҳамда меҳнат жамоаларида муқаддас байрамимиз — Наврўзга қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Анъанага кўра, байрам куни Тошкентнинг Халқлар Дўстлиги майдонида республика матлубот жамиятлари уюшмасининг савдо марказлари хизмат кўрсатади. Ўзбекбирлашув ходимлари байрам иштирокчилари учун атайлаб кўчма дўконлар тайёрлаб қўйган. Бу дўконларда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари соҳа мутахассислари байрам иштирокчилари учун Ўзбекбирлашув номидан тайёрлаган маҳсулотлар ҳамда баҳор байрами муносабати билан уларга йўлланган қутловларни олади.

— Бундай павильонлар мамлакатимизнинг барча туман, марказлари, маҳалла ва хўжаликларида ташкил этилади, — дейди Ўзбекбирлашув бошқаруви раисининг ўринбосари Ўткир Мирпўлатов, —Уларда оммавий халқ истеъмоли моллариданташқари, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Ўзбекбирлашув бошқарувининг Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш бўйича қабул қилган махсус қарорига биноан, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида беш юзта мана шундай ярмаркалар ташкил этилади.

Бу қарорга биноан, шунингдек, март ойида тизим таркибига кирадиган барча корхоналар ҳудудида тозалик ва ободонлаштириш ойлиги ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Ойлик мобайнида дарахт ва кўчатлар ўтқазилади, иш жойлари ва дам олиш ўринлари тозаланиб, ободонлаштирилади. Барча савдо ташкилотлари яхши безатилиб, чиройли ҳолга келтирилади.

Наврўз байрамимизни муносиб кутиб олиш соҳамиз ходимлари учун мажбурият эмас, катта шараф эканини айтиб ўтишим лозим. Шу боисдан ҳам узоқ, тоғли ва чўл жойларда истиқомат қилаётган аҳолига махсус автодўконлар юборишни режалаштириб қўйганмиз. Бунинг учун матлубот жамиятлари уюшмасида мавжуд бўлган барча техника сафарбар қилинади. Чунки, ҳар бир чўпон, олис жойда истиқомат қиладиган ҳар бир киши ҳамда унинг фарзандлари учун зарур товарни етказиб бериш — бизнинг асосий бурчимиздир.

Наврўзнинг кўрки бўлган сумалак учун зарур нарсалар — бугдой, ёғ ҳамда бошқа маҳсулотларни етказиб бериш ҳам диққат марказимизда турибди.

Матлубот жамиятлари уюшмаси меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар ҳамда қариялар уйларидагиларни зиёфат қилиш ва уларга совға-салом учун икки миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратади.

Булардан ташқари, соҳага тегишли ҳар бир корхона кўча-кўйда савдо-сотиқни ташкил этади. Хуллас, муқаддас байрамимизни нишонлаш учун кўчага чиққан киши уйига албатта хурсанд қайтади.

**ЎзА.**

● ИХ НАГРАДИЛА РОДИНА

Указом Президента Республики Узбекистан командир передового воинского коллектива капитан Нурмухамад Халиков награжден медалью «Жасорат». Эта награда — результат самоотверженного труда офицера по подготовке и воспитанию высококлассных специалистов подразделений противовоздушной обороны.

Высокий профессионализм в сочетании с исключительной добросовестностью позволил ему добиться того, о чем, наверное, мечтает каждый командир, — завоевать звание отличного подразделения. Но достигнутое — не предел. Есть еще резервы, использование которых, по мнению офицера, позволит добиться еще более весомых результатов, а значит, поднять на более высокий уровень степень боеготовности. О том, как ведет к намеченной цели своих подчиненных капитан Нурмухамад Халиков, рассказывает наш корреспондент в материале «Формула капитана Халикова», который мы предлагаем вниманию наших читателей на 2-й странице.

На снимке: командир батареи капитан Н. Халиков.

Фото Я. КОРУКИ.

# СОЗДАВАЯ ТВОРЧЕСКУЮ ОБСТАНОВКУ

**Старший прапорщик Р. Нурматов — командир взвода. Добросовестно выполняет свои обязанности, честен, принципиален. В подразделении о нем идет добрая слава.**

— Старший прапорщик Равшан Нурматов,— говорит заместитель командира роты по работе с личным составом старший лейтенант А. Миршарипов,— служит подчиненным примером в службе. Он не жалеет сил и времени, стремясь, чтобы каждый воин добивался успехов в боевой и общественно-политической подготовке. Терпеливо работает с каждым солдатом, воспитывая сознательное отношение к воинскому долгу.

Не случайно его подчиненные во всем проявляют организованность, трудолюбие, исполнительность. Командир взвода учит их жить по уставам, часто беседует о традициях подразделения, подробно анализирует опыт лучших специалистов, призывая равняться на них. Все это приносит хорошие плоды. Личный состав взвода закончил минувший учебный год с высокими показателями и не сдает завоеванных позиций.

Каждый день боевой учебы приносит радостные вести. Успехи своих подчиненных старший прапорщик воспринимает как свои собственные — ведь он постоянно рядом с ними, учит их, переживает, если что-то у ребят не получается.

В беседах с солдатами командир взвода подводит итоги дня, анализирует опыт лучших, отмечает особенности того или иного упражнения, например, по огневой подготовке. Дает советы, как лучше выполнить поставленную задачу. И воины внимательно прислушиваются к его замечаниям, стараются все делать так, как требуется.

Не все гладко шло на первых порах в огневой подготовке у рядового Ш. Ачилова. Больше, чем за других волновался и переживал за него командир взвода. И вот недавно солдат возвратился с огневого рубежа ликующим — упражнение выполнено на отлично.

Радостно на душе было и у старшего прапорщика Р. Нурматова. И вспомнились ему совсем недавние стрельбы, когда Ш. Ачилов не смог порадоваться успеху. «Оружие подвело»,— сетовал он тогда. «Что ж, сейчас проверим», — старший прапорщик подошел к солдату, осмотрел его автомат. А когда изготовился к стрельбе, тщательно прицелился и выстрелил, то было зафиксировано прямое попадание!

Командир взвода тогда обстоятельно разобрал ошибки воина, указал, как устранить их. Напомнил о том, как важно умело владеть оружием, чтобы без промаха поражать цели. После этого продолжительное время занимался с рядовым Ш. Ачиловым. И напряженный труд принес хорошие результаты — солдат научился поражать любые цели днем и ночью, с первого выстрела.

Командир взвода своевременно и по достоинству оценивает отличившихся на занятиях воинов. Это воодушевляет их на решение новых задач, вызывает у сослуживцев гордость за товарищей, желание следовать их примеру.

— Считаю, что не обязательно за каждый успех солдата объявлять ему благодарность, — делится своими мыслями старший прапорщик Р. Нурматов.— Иной раз просто полезно похвалить его. Ведь сказанное слово одобрения, похвала перед строем, призыв следовать примеру отличившегося воина оказывают большое воспитательное воздействие.

Кроме того, командир взвода серьезное внимание уделяет совершенствованию учебно-материальной базы. Вот и недавно воины под его руководством хорошо потрудились в парке.

В ходе работ Р. Нурматов организовал соревнование между воинами, отделениями: кто лучше, быстрее выполнит намеченные операции, приведет свои машины в состояние полной боевой готовности. Каждому хотелось отличиться. Но если опытный воин видел, что его младший товарищ испытывает трудности, он оказывал ему помощь.

Старший прапорщик Р. Нурматов серьезное внимание уделяет работе с сержантами. Помогает младшим командирам повышать воинское мастерство, овладевать искусством обучения и воспитания подчиненных, проводит с ними инструкторско - методические и командирские занятия. Они активно обсуждают интересующие их вопросы: об индивидуальном подходе к воинам, о сочетании методов убеждения и принуждения в укреплении дисциплины, об авторитете сержанта и другие.

С хорошим настроением трудится в новом учебном году коллектив взвода. Воины полны решимости успешно решить поставленные перед ними задачи. А этому во многом способствуют организованность, деловитость, создание обстановки, исключающей суетливость и первозность. Ведь там, где коллективом умело руководят, он активно борется с равнодушием, нерадивостью, недисциплинированностью отдельных солдат, воспитывает у воинов гордость за свое подразделение.

Старший прапорщик Р. Нурматов хорошо подготовлен. Работает творчески. И не случайно его подчиненные показывают хорошие результаты. Под руководством умелого, волевого командира они способны выполнить любую задачу.

**Б. СЕРГЕЕВ.**

## ҚОЧҚИНЛАР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида қочқинлар билан ишлаш бўйича олий комиссарлиги бошқармаси ходимларининг оммавий ахборот воситалари билан учрашуви бўлди.

Олий комиссарликнинг минтақавий мувофиқлаштирувчиси Ж. Маккалин қочқинлар ва уларнинг аҳволини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. У икки миллиондан ошиқроқ афғонистонлик, беш юз мингдан кўпроқ ироқлик қочқинлар борлигини айтди.

Учрашувда олий комиссарлик томонидан яқинда чоп этилган «Дунёдаги қочқинларнинг аҳволи» китоби муҳокама этилди. Келтирилган маълумотларга қараганда, ҳозир жаҳонда 25 миллиондан зиёдроқ расман рўйхатга олинган қочқин бор. 1990 йилдан буён 10 миллиондан ортиқ қочқин ватанларига қайтарилди. Лекин ички урушлар, тили, эътиқоди, сиёсий қарашлари учун таъқиб этишлар оқибатида туғилган жойларини тарк этишга бўлаётган кишиларнинг сони ортиб бораётир.

Учрашувда қочқинларга ёрдам бериш кечиктириб бўлмайдиган ишлар сирасидан эканлиги қайд этилди. Жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазифаларидан бири қочқинлар пайдо бўлишига олиб келадиган вазиятларнинг олдини олиш эканлиги алоҳида таъкидланди.

**(ЎзА).**

## САЙЁРАМИЗ АДОСИ

**ДХАКА.** Бангладеш ҳукумати билан чакма қабиласи жангарилари ўртасида сулҳ битими имзоланди. Чакма қабиласи исёнчилари 25 йилдан буён Бангладешнинг Читтагон номли тоғли туманида мустақил давлат тузиш учун курашиб келар эди, 1997 йилнинг охирида эса Бангладеш ҳукумати исёнчиларга мурожаат этиб, қуролли курашдан воз кечилса, уларга умумий афв эълон қилинишини билдирган эди. Шу тариқа 25 йиллик қуролли можаро якун топди.

Мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмидаги Дудукчари қишлоғида исёнчиларнинг рамзий қурол топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда иштирок этганлар 2 минг кишилик чакма жангариларининг охирги қисмидир.

**МЕХИКО.** Мексиканинг Канкун шаҳрида америкалик ишбилармон доиралар вакиллари билан Куба ҳукумат делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари Кубадаги ҳозирги иқтисодий аҳвол, мамлакатда ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар ҳақида фикр алмашди.

Куба иқтисодиёт ва режалаштириш вазири Хосе Луис Родригеснинг маълум қилишича, Куба давлати 36 йиллик иқтисодий қамал жараёнида қарийб 60 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

**БАНГКОК.** Таиланд ҳукумати дунёда биринчи бўлиб СПИДга мубтало бўлганларни алоҳида сақлаш учун махсус ҳудуд барпо этиш режасини эълон қилди. Мамлакат вазирлар кенгаши вакилининг таъкидлашича, мазкур режа бедаво дардга йўлиққанларнинг жамоатчиликдан айри яшаши, уларнинг жамият орасида ҳар хил камситилишларга учрашига ҳам чек қўяди.

Режага кўра, мамлакат пойтахтидан 150 километр узоқликда жойлашган Ломбур туманидан 340 гектар ер ажратилади. Махсус ҳудудда мактаб, касалхона шунингдек, чорвачилик ферма ҳамда экин майдонлари барпо этилади.

Ҳозирги пайтда Таиландда расман 800 минг киши СПИДга чалингани қайд этилган. Кейинги 10 йил давомида СПИД касаллиги туфайли 7 минг киши ҳаётдан кўз юмди.

**СЕУЛ.** Жанубий Корея ҳукумати Шимолий Корея аҳолисига 100 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилди. Бу Жанубий Кореянинг мазкур мамлакат аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги БМТ даъватига жавобидир.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Шимолий Кореяда атиги икки ҳафтага етгулик озиқ-овқат заҳираси қолган. Бу муаммони бартараф этиш борасида БМТ ушбу мамлакатга жорий йилда 650 минг, АҚШ 200 минг, Европа Иттифоқи эса 150 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилган.

**ИСЛОМОБОД.** Қочқинлар иши бўйича БМТ олий комиссарлигининг Покистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Пешовар шаҳрида истиқомат қилаётган 500 дан ортиқ афғонистонлик қочқин ўз ватанига қайтарилди. Айни пайтда ваколатхона мутасаддилари яна 3,5 минг нафар қочқинни ўз ватанига қайтариш бўйича музокаралар ўтказмоқда.

Маълумки, қарийб 20 йилдан буён давом этиб келаётган уруш туфайли бир неча миллион Афғонистон фуқароси бошқа мамлакатларга чиқиб кетган. БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, биргина Покистонда 1,2 миллион нафар афғонистонлик қочқин расман рўйхатга олинган.

**БАГДОД.** Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг 50 нафар мутахассисдан иборат гуруҳи Ироқ пойтахтига келди. Улар бир неча кун давомида Ироқдаги «президент объектлари»ни текширади.

Гуруҳга Скотт Риттер бошчилик қилмоқда. У жорий йилнинг январь ойида Ироқ ҳудудидан чиқариб юборилган эди.

**ЎзА.**

# ДАЛДА

## РЕПОРТАЖ

Баҳор. Аммо, ҳаво очиқ бўлишига қарамай, кун совуқ. Устига-устак изғирин шамол, кеча ёққан қорни ердан супириб, юзга уради, қулоқ-бурунни чимдиб-чимдиб олади. Бир неча кун аввал дала-ўқув машғулотларига чиққан аскарлар бундай шароитга анча қўникиб қолган бўлсалар-да, ҳавонинг бугунги авзойи уларга ҳам таъсир қилди шекилли, жангчилардан бири: «Бу совуқда қандай отарканмиз» — деб луқма ташлади. «Ҳа, нишонни мўлжалга олиш қийин бўлади», — дейди бошқа бир аскар.

Сержант Адҳам Мирзараҳимов сафдошлари гапларини эшитиб, ўйланиб қолди. Кичик командир бўлгани учун бошлиқлари биринчи навбатда машқ бажаришни унга топширадилар. Бироқ, Адҳам барча машғулотларда ҳамиша аъло баҳога эришади, ҳаво бундан-да ёмон бўлган пайтларда ҳам хотиржам ҳаракат қилиб, олдида турган вазифаларни қойилмақом қилиб бажарган.

Бутун ҳам кичик командир ўзидан кўнгли тўқ, аммо бўлинмадаги сафдошларининг кайфияти уни безовта қиларди. Чунки уларнинг аксарияти ҳали ёш аскарлар. Тўғри, бир қанча ўт очиш тайёргарлиги машғулотларида қатнашиб, бирмунча кўникма олишган. Аммо, мана бундай об-ҳаво шароитида ҳали синовдан ўтмаганлар.

Адҳам ўзининг илк нишонга отиш машғулотига чиққанини эслади. Ўшанда у жуда ҳаяжонланган эди. Машқни бажаришга чиқиб, қанчалик интилмасин, фақат «қониқарли» баҳо билан кифояланганди. Бундан уялиб, сафдошлари юзига тик боқолмади. Ана шунда кичик командирлари ёш аскарнинг жонига ора киришди. Улар Адҳам билан биргаликда унинг ҳар бир ҳаракатини таҳлил қилишиб, хатоларини кўрсатишди, маслаҳатлар беришди.

Ўша куни оддий аскар Мирзараҳимов «Ўт очиш чизиғига чиққанингда ўзингни қўлга ол, нишонни миқоли бир душман каби бил. Сен хато қилсанг, у мўлжалдан адашмаслиги мумкин», деган гапларни қулоғига қуйиб олганди.

Мана, орадан бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Адҳам аввал ўрганувчи бўлса, энди ўргатувчига айланди. Маслаҳат бериш, намуна бўлиш навбати унга келди.

— Бугун, албатта «беш» олишим керак, — деди ўзига Ўзи Мирзараҳимов. — Йигитлар руҳини кўтармасам бўлмайди.

Бу гапларни Адҳам унинг билан бир навбатда машқни бажаришга тайёрланаётган кичик сержантлар — Раҳматилла Неъматуллаев ва Жамшид Жўраевларга ҳам айтди.

«Жангга!» командаси янграши биланоқ, посбонлар тезда позицияларни эгаллаб, қор билан қопланган оппоқ далани диққат билан кузата бошладилар. Шамол яна-да кучайган эди. Бу қор тўзонида узоқда пайдо бўлган нишонларни аниқлаш осон эмасди...

Мана улар, худди ер тагидан ўсиб чиққандай, намоён бўлишди. Энди бир сония вақт ҳам бекор кетмаслиги керак. Акс ҳолда нишонлар яна ғойиб бўлади. Адҳам мўлжални олиб, нафасини ушлаб қолди-да тепкини босди. Атрофни ўқлар овози тутди. Аммо, минг афсус, нишон йиқилмади.

«Шамол ўнгдан эсаяпти, унинг кучини инобатга олмабман, демак мўлжалга олиш нуқтасини ўнгроққа олишим керак», деган фикр кечди Адҳамнинг хаёлидан.

Бу сафар унинг отган ўқи нишонни қулатди. Шу заҳотиёқ далада «душман пулемёти» пайдо бўлди. Сержант Мирзараҳимов уни биринчи ўқлар билан яксон қилди. Кейинги нишон ҳам кўп туриб қолмади. Машқ аъло даражада бажарилди.

Адҳам билан бир навбатда отган кичик сержант Раҳматилла Неъматуллаев ҳам нишонларни бехато мўлжалга олишди.

Командирга машқнинг натижаси ҳақида рапорт топшириб қайтаётган Мирзараҳимов сафдошларига разм солди. Уларнинг кайфияти анча кўтарилган, юзларида қатъийлик кўриниб турар эди.

Адҳам сафдошларига ўт очиш пайтида нималарга асосий эътибор бериш кераклигини тушунтириб, шамол кучини қандай ҳисоблашни яна бир бор уқтирди. Кичик командирнинг маслаҳатлари бекор кетмади. Оддий аскар Комил Норматов аъло баҳога эришган бўлса, Зоир Омонов ва Эркин Назаровлар машқни «тўрт»га бажаришди.

Кейинги навбатларда ўт очган аскарлар ҳам командирларидан қолишмасликка интилиб, юқори натижаларни қўлга киритишга астойдил ҳаракат қилишди. Хулоса, об-ҳавонинг ноқулайлигига қарамай, бўлинма якуний натижа бўйича «тўрт» баҳога сазовор бўлди.

Албатта, бу ютуқда сержант Адҳам Мирзараҳимовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Машғулотга якун ясар экан, взвод командири жанговар тайёргарликлари ютуқлари учун аълочи посбонларга Миннатдорчилик эълон қилди.

**Подполковник К. ЖАББОРОВ.**



Суратда: сержант Маҳмуд Тўхтаев оддий аскар Баҳодир Сатторовга автоматдан қандай қилиб аниқ нишонга олиш сирларини ўргатмоқда.

Г. ТИТАРЕНКО олган сурат.

# ФОРМУЛА КАПИТАНА ХАЛИКОВА

**Формула успеха... Что это — устоявшаяся догма, которую, подобно физическому закону, может применить каждый в зависимости от сложившихся обстоятельств, или же это нечто особое, личное, индивидуальное, благодаря чему человек добивается намеченных целей? Скорее всего, второе, считает командир подразделения капитан Нурмухамад Халиков, у которого есть своя формула, позволяющая ему вот уже второй год подряд выводить коллектив в лидеры и успешно удерживать завоеванные позиции. В чем ее суть? Думается, небольшой рассказ об этом молодом, энергичном, перспективном офицере, который я хочу предложить вашему вниманию, позволит дать исчерпывающий ответ. Забегая вперед, скажу лишь одно: слагаемых данной формулы несколько, но все они настолько тесно взаимосвязаны друг с другом, что вырисовывается одна стратегическая линия, дающая возможность командиру уверенно вести своих подчиненных к новым вершинам воинского мастерства.**

## В ПОСТОЯННОМ ПОИСКЕ

ОЦЕНКУ командиру ставят подчиненные. Каким бы парадоксальным на первый взгляд ни показалось это высказывание, поверьте: это так. Даже бегло наблюдая за действиями солдат и сержантов, можно без особого труда определить, кто ими руководит — требовательный, грамотный офицер или же... Давайте не будем характеризовать вторую категорию, а лучше вернемся к подопечным капитана Халикова. Что бросается в глаза, когда видишь за работой военнослужащих этого подразделения? Прежде всего слаженность, четкое знание своих обязанностей и, в конечном итоге, высокий профессионализм. Но тут же возникает еще один вопрос: как этого достигли? Ведь не «с гражданки» же пришли они опытными командирами боевых машин и операторами. Вот здесь-то и раскрывается суть первого, и, наверное, самого главного слагаемого формулы офицера Халикова.

Мы привыкли говорить о необходимости учить войска в условиях, приближенных к боевым. Но зачастую не задумываемся над истинным смыслом этого выражения. Например, что это значит для операторов боевых машин зенитно-ракетного комплекса? Как оценить влияние условий на эффективность боевой работы расчетов? Капитан Халиков же еще с курсантской скамьи пытался вникнуть во все эти тонкости и, как видим, небезрезультатно.

— Прежде чем говорить об эффективности боевой работы тех же операторов, — говорит офицер, — наверное, целесообразно прийти к единому пониманию самого термина. На мой взгляд, для войсковой практики больше всего подходит такое определение — это степень соответствия результатов боевой работы поставленной задаче.

Честно признаться, такое толкование было для меня несколько туманным, что, естественно, не мог не заметить Нурмухамад, а потому попытался прокомментировать данную формулировку более детально, чем, собственно, и раскрыл свои карты, то есть принцип командирской деятельности по воспитанию надежных стражей неба.

Характерные черты современного боя с воздушным противником в принципе хорошо известны. Это прежде всего скоротечность и динамизм, решительность действий обеих сторон, сложность воздушной и радиоэлектронной обстановки. А раз так, считает капитан Халиков, значит, можно наметить и конкретные условия, которые целесообразно создавать (с учетом уровня подготовленности каждого) на любом занятии. И не только создавать такие условия, но и учить командиров боевых машин определенным приемам, снижающим нервную и физическую нагрузку у тех же операторов. В таком случае они научатся с должной эффективностью выполнять свои обязанности даже при экстремальных нагрузках во время боевых дежурств.

Конечно, сымитировать с большой степенью достоверности опасность, исходящую от воздушных средств противника, в полной мере не удастся. Поэтому во время тренировок офицер использует внешние раздражители, которые порой вызывают у операторов если не испуг, то определенное беспокойство, что приводит к ухудшению показателей, особенно у начинающих специалистов, — они отвлекаются, а ослабив внимание, допускают ошибки. Но это не страшит командира. Он уверен: чем больше будет острых ситуаций в процессе обучения, тем быстрее расчеты научатся достаточно квалифицированно оценивать степень опасности мешающего боевой работе фактора, принимать и реализовывать соответствующее моменту решение. А воспроизводит сложную воздушную и радиоэлектронную обстановку офицер Халиков довольно простыми имитаторами. Например, каждый раз обозначает в налете несколько большее, чем позволяет отрабатывать уровень подготовленности оператора, количество целей.

Для тех, кто только начинает осваивать специальность оператора, офицер применяет еще один вариант. С началом тренировки на одну-две минуты появляются первые две цели. Через 20—30 секунд после исчезновения отметок от них в противоположной части экрана появляется следующая пара. Ее «налет» уже длится не больше минуты и т. д. Для операторов сложность заключается в том, что им приходится длительное время интенсивно работать в, казалось бы, хаотично меняющейся обстановке. Хотя, если разобраться, мыслительной нагрузки при этом они особой не испытывают.

И вот здесь командир подразделения ставит перед собой еще одну, очень важную задачу — научить воинов анализировать обстановку и в соответствии с ней принимать решение. Для этого перед заступлением на боевое дежурство и перед тактическими занятиями предлагает операторам мысленно проиграть наиболее вероятные варианты полетов воздушного противника. Исходя из обстановки, каждый из них вырабатывает и докладывает план действий. При этом, считает Халиков, не обязательно использовать только материальную часть, иногда достаточно иметь соответствующие наглядные пособия — плакаты, схемы, фотографии экранов индикаторов с различной обстановкой, макеты пультов. Таким образом, на тренировках специалисты «проигрывают» стандартные ситуации. В реальной же обстановке им потребуется внести в свои действия лишь определенные коррективы.

Как видим, подготовке специалистов в подразделении уделяется самое пристальное внимание. И труд окупается сторицею. Младший сержант сверхсрочной службы С. Чулиев, рядовые Ш. Худжакулов, А. Умаров — из числа тех, кому по плечу самые сложные задачи.

Но вырастить высококлассного специалиста — это половина дела, убежден капитан Халиков. Воспитать высоконравственного, дисциплинированного воина, верного защитника своего Отечества — вот что самое главное. А потому работа с людьми, в том числе и воспитательная, ставится офицером во главу угла, что раскрывает еще один аспект формулы его успеха.

## В КАЖДОМ ВИДЕТЬ ЛИЧНОСТЬ

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ гордость обязывает офицера постоянно думать о своем добром имени, авторитете среди подчиненных. Но авторитет не приходит сам по себе. Он завоевывается добросовестным трудом, безупречным поведением. И, конечно же, близостью к людям. Когда офицера солдаты и сержанты считают старшим товарищем, наставником, другом — это норма воинской жизни. Однако кое-где заботятся о подчиненных только на словах. Для оправдания ссылаются на постоянную загруженность текущими делами. Как будто «заниматься делом» — это одно, а работать с людьми — совершенно иная сфера деятельности. Не от такого ли отношения появляются различные негативные явления, в том числе и пресловутые неуставные взаимоотношения?

Капитан Нурмухамад Халиков ответил на этот вопрос еще в начале своего офицерского пути. И с тех пор не изменяет правилу, ставшему нормой его командирской работы, — всегда быть в гуще событий, жить одной жизнью с коллективом, которым тебе доверено руководить. Но, как известно, для этого мало лишь находиться среди личного состава, необходимо знать его, знать каждого солдата, его возможности, особенности, попытаться раскрыть его внутренний мир. И вот здесь основную роль играет всем известная, но не всеми проводимая индивидуальная работа с подчиненными, которую офицер Халиков не прерывает ни на час.

В подразделение прибыло новое пополнение. На первый взгляд, все они на одно лицо. Но не прошло и недели, как командир подразделения особое внимание обратил на рядового Ш. Хусанова, который выделялся не проявлением рвения к службе, к познанию нового уклада жизни, а наоборот, своей угрюмостью, даже нелюдимостью. За что бы он ни брался, все у него валилось из рук, он мог все свободное время проводить в одиночку, в то время как другие воины пытались больше общаться, завязывали дружеские отношения, без которых немыслима армейская служба. Подобное поведение воина насторожило офицера. Имея немалый опыт работы с людьми, он знал: именно такие «тихушники» больше всего склонны к совершению самовольного оставления части, к другим противоправным действиям. Доверительные беседы с глазу на глаз желаемого результата не давали. Солдат большей частью отмалчивался, на вопросы о пребывании «на гражданке» отвечал неохотно. В чем искать причину создавшегося положения? Этот вопрос не давал офицеру покоя ни днем, ни ночью. И тогда он испробовал верный, испытанный годами метод — послал письмо родителям, где подробно изложил суть происходящего. Вскоре пришел ответ. Родители поведали о том, что за все свои восемнадцать лет сын ни разу не покидал отчий дом и поэтому, наверное, его гложет тоска по родным стенам. Подсказка была своевременной. Капитан Халиков стал больше привлекать воина к общественной работе. И лед понемногу тронулся. У рядового Ш. Хусанова проявились незаурядные способности по выполнению хозяйственных работ. Занимаясь столярным или плотницким делом, солдат оживал. Но ведь не для этого призван он был в армию. И тем не менее командир не форсировал событий. Пусть обживется в коллективе, обвыкнется. Действительно, постепенно у воина стал пробуждаться интерес к службе. Видя, что его сверстники многому уже научились, он изо всех сил стремился наверстать упущенное. Этот переломом в психологии рядового Хусанова чутко уловил капитан Халиков. Всячески подбадривая, а порой и поощряя его, как говорится, авансом, офицер добился своего. Спустя несколько месяцев воин уже был зачислен в состав одного из расчетов на должность оператора. В дальнейшем он стал высокоподготовленным специалистом.

Приведенный пример вряд ли раскрывает все многообразие воспитательной работы, но в то же время наглядно демонстрирует, что даже один солдат отнимает немало сил и энергии, а ведь их у капитана Халикова — десятки. Так откуда он черпает силы, где скрывается их источник? На удивление, офицер ответил на данный вопрос, ни на минуту не задумываясь, — это семья. И тем самым определил еще одну составную часть своей формулы.

## САМЫЙ НАДЕЖНЫЙ ТЫЛ

КАПИТАН Халиков закрыл тетрадь и облегченно вздохнул — работа над конспектом предстоящего занятия по специальной подготовке завершена. Несмотря на чрезмерную усталость (день выдался на редкость насыщенным), душа офицера ликовала. Не подкачали его подчиненные — все учебно-боевые задачи выполнили безукоризненно, ни одна цель не прошла незамеченной, да и по вводным действовали отлично. Одним словом, вполне заслуженно получили высокую оценку и удостоились благодарности представителя вышестоящего штаба. «Если бы и завтра так отработать, — продолжал размышлять офицер, но тут же спохватился, — какое там завтра, уже, наверное, сегодня». Действительно, стрелки часов показывали далеко за полночь. Рука автоматически потянулась к настольному календарю, чтобы отправить в прошлое еще один день, но тут же отдёрнулась, словно вместо календаря прикоснулась к оголенным электрическим проводам. В уголке листа красными чернилами значилась пометка «ДР» — день рождения жены.

«Как же я мог забыть?» — корил себя Нурмухамад. От хорошего настроения не осталось и следа. И хотя подарок был приготовлен заранее, это нисколько не радовало офицера. Веселый семейный праздник (как это было всегда) уже не получится таким. Стал торопливо собираться, но вскоре понял, что поспешность уже ни к чему. Попрощавшись с дежурным по КПП, знакомой дорогой направился домой. Домой, куда всегда летел, словно на крыльях, а теперь еле переставлял вдруг отяжелевшие, будто налитые свинцом ноги. В заветном окне горел свет. Ждет... От этого на душе офицера стало еще муторней. Больше всего боялся он услышать хотя и справедливые, но упреки и увидеть на любимых глазах слезы. И каким же было удивление, когда жена встретила его, как всегда, с улыбкой на лице и нежно прижалась к крепким плечам мужа. Нурмухамад пытался что-то объяснить, но в ответ последовало: «Понимаю, служба. Я знала, за кого выходила замуж». Комок подступил к горлу, и офицер не мог найти и произнести необходимые слова. Да и вряд ли они были сейчас нужны. Рассвет встретили за столом, где за разговорами и скоротали всю ночь... На службу капитан Халиков отправлялся бодрым и жизнерадостным. И хотя предстояли нелегкие испытания, он твердо был уверен — выдержит их с честью.

Случай из жизни, о котором Нурмухамаду не особо хочется вспоминать, лишь лишний раз подчеркнул правоту истины: самый надежный тыл для офицера — его семья. Только любовь и взаимопонимание, царящие в семье, позволяют чувствовать себя уверенно, не боясь удара в спину, что и делает капитан Халиков, строго придерживаясь выведенной им самим формулы. Формулы, которая, уверен, позволит ему покорить еще не один рубеж и заслужить еще не одну награду. А пока, как самой дорогой реликвией, дорожит он медалью «Жасорат», ярко сияющей на его парадном мундире, как знак благодарности за кропотливый, но почетный труд.

**Майор Я. КОРУКА.**

## Военно-политические новости

### СООРУЖАЕТСЯ БАЗА ВВС

На Кипре завершается сооружение близ города Пафос новой базы ВВС. Эта база предназначена в том числе для обслуживания военных самолетов Греции, а ее создание предусмотрено заключенным четыре года назад соглашением о совместной обороне между Афинами и Никосией.

База в районе Пафоса, а также приобретение Кипром российских зенитных ракетных комплексов С-300 — две основные задачи, поставленные в правительственной программе повышения боеспособности греко-кипрской Национальной гвардии.

### ТУРТДАН УЧ ҚИСМИ СОХТА

Ангола мустақиллиги учун курашган, деб имтиёзлардан фойдаланиб келаётган 40 минг фахрийнинг тўртдан уч қисми умуман португал колонизаторларига қарши урушмаганлиги аниқланди. Собиқ ҳарбий хизматчилар ва уруш фахрийлари ишлари бўйича вазирлик махсус комиссиясининг аниқлашича, давлат ёрдами олаётганлар орасида нафақат аскар ва офицерлар, ҳатто қуролли кучлар сафига мустақиллик эълон қилинган 1975 йилдан анча кейин кирган ҳамда ҳеч қачон эгнига ҳарбий либос киймаганлар борлиги ҳам маълум бўлди.

Комиссия хулосасига кўра вазирлик ходимларининг ёрдамисиз бундай сохтагарчиликни амалга ошириш мумкин эмас эди. Шу боис раҳбариятга бир бошдан текшириш ўтказиш ва айбдорларни ишдан бўшатиш таклиф этилди.

### БАЗА СТАНЕТ ЦЕНТРОМ

Американские конгрессмены предложили Гондурасу превратить военную базу США «Пальмерола», находящуюся в этой стране, в центр по борьбе с наркотиками. «Пальмерола» была построена в 1983 году и обошлась Вашингтону в 30 млн. долларов. Она служила плацдармом для проведения военных операций против никарагуанского сандинистского правительства, а также против партизан сальвадорского Фронта национального освобождения имени Фарабундо Марти. Сейчас на базе находятся 900 военнослужащих США. Президент Гондураса по этому поводу заявил, что сейчас, когда закончилась «холодная война», база «Пальмерола» должна служить целям борьбы с общей проблемой — контрабандой наркотиков.

### ШАҲАРЛАРДА ЎТКАЗИШМОҚЧИ

АҚШ денгиз пиёдалари корпуси ҳарбий машқларни шаҳарларда ўтказишни режалаштирмоқда. «Шаҳар аскари» ўқув дастурини тайёрлаш билан шуғулланаётган ҳарбий-илмий лаборатория вакили Тим Жоунснинг журналистларга маълумот бершича, сув коллекторлари, осмонўпар бинолар каби шаҳар архитектураларини дала машқ майдонларида бунёд этишнинг имкони йўқ. Бундай объектлар учун бўладиган кураш эса аксарият ҳолларда шаҳар операциясининг ҳал қилувчи якуний натижаси ҳисобланади.

Шаҳарларда ўтказиладиган ҳарбий машқлар жараёнида денгиз пиёдалари ер ости коллекторлари бўйлаб юриш, арқон ёрдамида баланд бинолар томидан томига ўтиш, шаҳардаги оломонни назорат қилиш ва снайперларни қўлга олишни ўрганишади. Ҳарбий машқларни Жексонвилл (Флорида штати), Норфолк (Виржиния штати) ва Чарльстон (Шимолий Каролина штати) шаҳарларида ўтказиш кўзда тутилмоқда.

### НОВОЕ НАЗНАЧЕНИЕ

Президент Уганды назначил «до нового распоряжения» своего брата генерала Салима Салеха министром обороны страны. До этого Салех был советником главы государства по военным проблемам в северной зоне страны, где действуют повстанцы, получающие, по мнению властей, поддержку со стороны нынешнего суданского режима. Генерал Салех заявил в печати, что сам он не может утверждать, считается ли это указание официальным назначением его на пост министра обороны.

**По материалам печати.**

● ВОЕННОЕ ОБОЗРЕНИЕ

# САМЫЕ МАЛЕНЬКИЕ АРМИИ МИРА

**Вооруженные силы являются важным фактором обеспечения суверенитета и национальной независимости каждого государства. Нет ни одной страны в мире, которая в той или иной степени не имела бы вооруженные формирования, призванные обеспечить ее стабильность и безопасность. Сегодня мы знакомим наших читателей с краткой информацией об армиях небольших государств.**

### АНТИГУА И БАРБУДА

Население — 70 тысяч человек. Регулярные вооруженные силы — 150 человек. Резерв — 75 человек.

Сухопутные войска — 125 человек.

Военно-морские силы — 25 человек. Патрульные катера — 2.

### БАГАМСКИЕ ОСТРОВА

Население — 284.000 человек. Военный бюджет — 35 млн. долларов (1998 год). Регулярные вооруженные силы — 860 человек. Комплектование на добровольной основе.

Военно-морские силы — 860 человек. Патрульные катера — 7, вспомогательные суда — 9, корабли береговой охраны — 6, самолеты — 2.

### БАРБАДОС

Население — 263.000 человек. Военный бюджет — 14 млн. долларов (1996 год). Регулярные вооруженные силы — 610 человек. Резерв — 430 человек. Комплектование на добровольной основе. Мобилизационные ресурсы — 70,3 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 49 тысяч.

Сухопутные войска — 500 человек.

Военно-морские силы — 110 человек. Патрульные катера — 5.

### БЕЛИЗ

Население — 226 тысяч человек. Военный бюджет — 10 млн. долларов (1997 год). Регулярные вооруженные силы — 1050 человек. Резерв — 700 человек. Комплектование на добровольной основе. Мобилизационные ресурсы — 39 тысяч человек, в том числе годных к военной службе — 23 тысячи.

Сухопутные войска составляют 1000 человек; пехотный батальон. Вооружение — 6 минометов калибра 81 мм, 8 безоткатных орудий «Карл Густав».

### ГАНТИ

Население 7.928 тысяч человек. Имеется национальная полиция 4.000 человек и береговая охрана. Вооружение и военная техника, принадлежавшие вооруженным силам, распущенным в 1994 году, уничтожены. Мобилизационные ресурсы — 1,3 млн. человек, в том числе годных к военной службе — 716,2 тысячи.

### ГАМБИЯ

Население — 1.135 тысяч человек. Регулярные вооруженные силы — 800 человек. Комплектование на добровольной основе. Мобилизационные ресурсы — 214,7 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 108,6 тысячи человек.

Сухопутные войска — 2 пехотных батальона и инженерная рота.

### ГРЕНАДА

Население — 94,5 тысячи человек. Регулярные вооруженные силы — 500 человек.

### ИСЛАНДИЯ

Население — 275 тысяч человек. Военный бюджет — 4,6 млн. долларов (1997 год). Регулярных вооруженных сил нет. Военизированные формирования береговой охраны — 120 человек. Мобилизационные ресурсы — 70,7 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 62,7 тысячи.

### КАБО-ВЕРДЕ

Население — 238 тысяч человек. Регулярные вооруженные силы — 1100 человек. Комплектование по призыву. Мобилизационные ресурсы — 80,9 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 47,2 тысячи.

Сухопутные войска — 1000 чел., 2 пехотных батальона. Вооружение — 10 БРДМ-2, 12 орудий полевой артиллерии калибров 75 и 76 мм, 18 минометов (82 и 100 мм), 30 зенитных артиллерийских установок, 50 ПЗРК «Стрела-2».

Военно-воздушные силы — 100 человек; 1 самолет.

### ЛЮКСЕМБУРГ

Население — 412.000 человек. Военный бюджет — 111 млн. долларов (1998 год). Регулярные вооруженные силы — 800 человек. Военизированные формирования (жандармерия) — 560 человек. Комплектование на добровольной основе. Мобилизационные ресурсы — 104 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 85,9 тысячи.

Сухопутные войска — пехотный батальон (разведрота выделена в состав бельгийской дивизии, находящейся в «Еврокорпусе»). Вооружение — 5 БТР, 6 81-мм минометов.

Военно-воздушных сил нет, однако официально числится авиационная эскадрилья НАТО (17 самолетов).

### СЕЙШЕЛЬСКИЕ ОСТРОВА

Население — 72.000 человек. Регулярные вооруженные силы — 400 человек. Военизированные формирования (президентская гвардия) — 250 человек. Комплектование по призыву. Срок службы — 24 месяца. Мобилизационные ресурсы — 19,8 тысячи человек, в том числе годных к военной службе — 10,1 тысячи.

Сухопутные войска — 200 человек; пехотная рота.

Вооружение — 6 БРДМ-2, 6 82-мм минометов М-43, РПГ-7, зенитные установки калибра 14,5 и 37 мм, 10 ПЗРК «Стрела-2».

Части береговой охраны — 200 чел., 4 патрульных катера.

### ЭКВАТОРИАЛЬНАЯ ГВИНЕЯ

Население — 490 тысяч человек. Военный бюджет — 2,3 млн. долларов (1997 год). Регулярные вооруженные силы — 1.320 человек. Военизированные формирования — части береговой охраны, гражданская гвардия. Комплектование на добровольной основе. Мобилизационные ресурсы — 90 тысяч человек, в том числе годных к военной службе — 45,8 тысячи.

Сухопутные войска — 1.100 человек, три пехотных батальона. Вооружение — 6 БРДМ-2, 10 БТР-152.

Военно-воздушные силы — 100 человек; 7 самолетов и вертолетов, боевых нет.

Военно-морские силы — 120 человек; 2 патрульных катера.

**По материалам зарубежной печати подготовил подполковник В. НИКОЛАЕВ.**

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

# ДОСТОЙНАЯ РОЛЬ В РЕГИОНЕ И В МИРЕ

**На заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан 25 февраля Президент И. А. Каримов, говоря об итогах прошедшего года, в частности, подчеркнул, что 1997 год стал «...годом последовательного сотрудничества и роста международного авторитета, реализации ряда важных инициатив Узбекистана по стабилизации социально-политической обстановки в регионе и на международной арене». Именно в русле такой целеустремленной политики следует рассматривать два важнейших внешнеполитических события, состоявшихся в последних числах февраля, которые получили огромный резонанс в мире. Остановимся кратко на них и их историческом значении.**

Средства массовой информации еще продолжали комментировать основные идеи и положения доклада И. А. Каримова на заседании Кабинета Министров 25 февраля, а политические сейсмографы уже зарегистрировали новшество — 26 февраля в Государственном департаменте Соединенных Штатов Америки состоялись церемония открытия 1-й сессии Двусторонней комиссии Узбекистан — США и ее пленарное заседание, к которым было привлечено самое пристальное внимание. Для кого-то это сообщение явилось неожиданностью. Но никакой сенсации здесь нет. Все обстоит гораздо проще. **Узбекистан уверенно входит в мировое сообщество и с каждым годом занимает в нем все более прочные позиции, основанные на равенстве сторон и взаимном стремлении к сотрудничеству.** Что касается отношений Узбекистана и США, то еще во время визита Президента И. А. Каримова в Соединенные Штаты, в ходе его переговоров с Президентом Биллом Клинтоном было заявлено: **Узбекистан и США видят друг в друге стратегических партнеров.** И это было подтверждено всем ходом развития взаимоотношений двух стран, особенно в 1997 году. Прошедший год можно признать годом роста американо-узбекских отношений, охвативших все основные сферы сотрудничества — золотодобывающую промышленность, сельское хозяйство, сферу услуг; увеличилось присутствие на узбекском рынке банковского капитала США, расширилась сфера сотрудничества в рамках программы НАТО «Партнерство во имя мира», регулярными стали ежегодные совместные военные учения как на территории США, так и на территории нашей страны. Узбекистан посетили авторитетные делегации США, в том числе делегация Конгресса США. Узбекистанцы тепло приветствовали приезд в республику видной общественной деятельницы Америки, супруги Президента — Хиллари Клинтон.

Весь ход взаимоотношений двух стран в последнее время, сама жизнь выводили нас на качественно новый уровень взаимоотношений, который и ознаменовался началом работы Двусторонней комиссии Узбекистан — США. Ее значение настолько велико для двух стран, что к участникам 1-й сессии обратились с посланиями Президент Узбекистана Ислам Каримов и Президент США Билл Клинтон.

В приветствии Президента И. А. Каримова подчеркивается: «Соединенные Штаты вносят сегодня весомый вклад в процесс обновления, реформирования и демократизации нашего общества, и мы высоко ценим это. Мы придаем большое значение реализации совместных инвестиционных проектов с американскими компаниями и фирмами, установлению с ними долгосрочных взаимовыгодных отношений, расширению присутствия американского капитала на нашем рынке.

**Убежден, что качественно новый этап в развитии узбекско-американского диалога послужит углублению и расширению стратегического партнерства между Узбекистаном и Соединенными Штатами».**

В приветствии Президента Б. Клинтона содержатся не менее важные заявления: **«Соединенные Штаты высоко ценят отношения с Узбекистаном... Вместе наши страны могут и должны поощрять региональную безопасность, демократические и экономические реформы, а также интеграцию Узбекистана в мировую экономику. Через наше развивающееся двустороннее военное сотрудничество и участие Узбекистана в программе НАТО «Партнерство во имя мира» и ОБСЕ мы формируем необходимую основу мира и безопасности в регионе». И еще, «Америка будет помогать Узбекистану в достижении своих целей...»**

Как говорится, комментарии к этим посланиям излишни. Поэтому подведем итог сказанному и сделаем краткие выводы. Они состоят в следующем:

**Во-первых,** стратегическое партнерство между ведущей державой мира — США и ведущей центральноазиатской, с каждым годом набирающей силу независимой Республикой Узбекистан не только приобрело реальную основу, но и имеет хорошую перспективу на будущее.

**Во-вторых,** начало работы Двусторонней комиссии неизмеримо повышает роль Узбекистана в решении как внутренних, региональных, так и международных вопросов, прежде всего в ООН, ОБСЕ, других авторитетных международных организациях, во взаимоотношениях с ведущими государствами мира.

**В-третьих,** это событие знаменует начало нового этапа не только в расширении сотрудничества с другими государствами, но и в решении своих внутренних проблем, в достижении своих стратегических целей по построению правового, демократического государства с великим будущим, в решении социальных и других задач.

**В-четвертых,** это событие поднимает на новый уровень сотрудничество двух стран — стратегических партнеров — в военной области, значительно укрепляет обороноспособность страны, ее региональную безопасность, миротворческую роль Узбекистана, его авторитет и положение в мире.

И еще одно событие привлекло внимание мировой общественности и средств массовой информации. Это состоявшиеся **заседания Межправительственных комиссий по двустороннему сотрудничеству между Республиками — Грузией и Азербайджаном.** Эти заседания состоялись в Тбилиси и Баку соответственно 25 и 26 февраля этого года. Их цель состояла не только в том, чтобы констатировать возросший объем товарооборота между Узбекистаном и кавказскими республиками, — он действительно вырос в 5 — 6 раз. **Главная задача заключалась в том, чтобы уделить особое внимание совершенствованию Транскавказского коридора — ТРАСЕКА.** В январе нынешнего года в Ташкенте между правительственными делегациями Узбекистана, Азербайджана и Грузии обсуждались вопросы, связанные с увеличением объема перевозок по Транскавказскому коридору, упорядочению взаиморасчетов, развитию инфраструктуры ТРАСЕКА. Следовало поднять эффективность работы этой трассы за счет улучшения работы железнодорожного транспорта, повышения эффективности работы портов и терминалов.

Это даст Узбекистану возможность сократить экспортные и импортные затраты, обеспечит наиболее быструю и безопасную доставку товаров в Европу.

По результатам работы Межправительственных комиссий в Тбилиси и Баку был подписан ряд очень важных документов, которые окажут значительное виляние на повышение эффективности Транскавказского коридора. **Сама жизнь выводит эту магистраль на одно из первых мест в торгово-экономических связях Узбекистана с европейскими странами, придает ей стратегический характер.**

Два разных события, произошедших в разных концах планеты, имеют для Узбекистана очень важное значение. В них, как в зеркале, отразилась политика нашей страны: политика взаимовыгодного сотрудничества, политика, объединяющая государства, народы и континенты и служащая интересам человека, удовлетворению его нужд и потребностей. Такую политику приветствуют народ нашей страны и воины Вооруженных Сил, зорко стоящие на страже мира и государственных интересов Узбекистана.

**А. ХЛЫЗОВ.**

● ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

# Оила—муқаддас Ватан

Узбекистон миллий ахборот агентлиги — УзА ва «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари таҳририятлари ана шундай шиор остида энг сара мақола, суҳбат, репортаж, очерк ва фотосуратлар учун танлов эълон қилади. Материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида кишилар онгида рўй берган ўзгаришлар, 1998 йил — Оила йилида мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар, бу соҳадаги ўзига хос, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ўз ифодасини топган бўлиши шарт.

Ёзма материаллар ҳажми 7 бетдан ошмаслиги, оқ-қора тасвирдаги суратларга плёнкаси ҳам қўшиб тақдим этилиши лозим.

Танлов голибларини қуйидаги совринлар кутмоқда:

**ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР УЧУН:**

1. Битта биринчи мукофот — 30 минг сўм;
2. Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 20 минг сўмдан;
3. Учта учинчи мукофот — ҳар бири 15 минг сўмдан.

**ФОТОСУРАТЛАР УЧУН:**

1. Битта биринчи мукофот — 20 минг сўм;
2. Иккита иккинчи мукофот—ҳар бири 15 минг сўмдан.
3. Учта учинчи мукофот — ҳар бири 10 минг сўмдан.

Танлов якуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади.

● НА СТРОЙКАХ ТАШКЕНТА

# ВОЗВОДИТСЯ НОВЫЙ ОТЕЛЬ

**За годы независимости столица Узбекистана заметно преобразилась. Возводятся жилые дома, административные здания, различные объекты социального и культурно-бытового назначения, расширяются парки и зоны отдыха.**

Ежедневно в Ташкент приезжают многочисленные иностранные делегации, в состав которых входят деловые люди, туристы, желающие поближе познакомиться с нашей страной. Вот почему большое внимание у нас уделяется строительству новых гостиниц.

«Интерконтиненталь-Ташкент», «Шодлик-палас», «Ле Меридиан Ташкент», «Узбекистан» — это далеко не полный перечень действующих в нашей столице отелей международного класса. Вскоре свое достойное место в этом ряду займет еще один, который быстрыми темпами возводится сейчас французской строительной компанией «Буиг» на пересечении улиц А. Навои и Амира Темура по заказу городского хокимията.

— Центр — это лицо любого города, — говорит один из авторов проекта М. Расулов.— А если речь идет еще и о столице, то ее тем более должны украшать построенные в современном стиле здания. Вот почему на месте торговых рядов по улице Навои решено возвести гостиничный комплекс. Он станет одним из крупнейших в Центральной Азии и будет причислен к разряду пятизвездочных. 16-этажное здание рассчитано на 250 номеров. В нем расположатся бизнес-центры, бассейны, корты, рестораны, открытые и подземные автостоянки.

— Гостиничный комплекс, — продолжает ад. министративный и финансовый директор строительства Ш. Лоран, — будет окружен прекрасной парковой зоной. Разбитая в традиционном французском стиле, она станет как бы уголком Франции в Узбекистане.

Авторами проекта строящейся гостиницы являются три архитектора — узбекистанцы М. Расулов, Р. Валиев и француз В. Вийон, которые плодотворно трудились вместе больше года. На строительстве задействованы, кроме французских специалистов, фирмы «Эн Эй Си» (Пакистан), «Пи Си Айт» (Индия), а также отечественные корпорации «Ташжилинвестстрой», «Ўзстроймеханизация». Возведение гостиницы будет завершено в первом квартале будущего года. Кстати, тогда мы узнаем и ее название, хотя первоначально ее планировалось назвать «Метрополем».

Строительная компания «Буиг» считается одной из лучших в Европе. В ней трудятся более 100 тысяч специалистов. За 40 лет своего существования она проводила работы почти в 80 странах.

Срок же деятельности «Буига» в странах СНГ невелик. Однако фирма уже успела зарекомендовать себя надежным партнером. Так, на основе новейших технологий, способствующих повышению качества, снижению себестоимости и сокращению сроков строительства, прекрасные здания возведены в Москве и Ашгабате.

На строительной площадке ежедневно кипит большая созидательная работа. Здесь трудится большой интернациональный коллектив, занимающийся одним общим делом. Специалистам удалось быстро найти взаимопонимание, стать не просто коллегами, но и друзьями.

И это не может не радовать. Ведь то, что рождается в атмосфере дружбы, должно быть изящным и красивым. Значит, новый отель украсит облик нашей столицы, подчеркнет ее уникальность, придаст новые черты динамизма и устремленности в будущее.

**Б. САИДОВ.**

● ФАХРИЙЛАР - ФАХРИМИЗ

# ОТАХОНЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

**Қарияларга нафақат меҳр-мурувват билан муомала қилиш керак, балки уларнинг умр китобидаги ибратомуз саҳифаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.**

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида кексалик гаштини сураётган 17186 нафар қариянинг 700 нафари иккинчи жаҳон уруши иштирокчисидир. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, мустақиллик шарофати туфайли бу қарияларга ҳукуматимиз томонидан турлича имтиёзлар берилаётир. Ҳар бир байрамда уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда.

Бунга жавобан қариларимиз ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Жумладан, «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими қошидаги Шаққоз Ҳасанов етакчилик қилаётган гуруҳ фаолиятини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатса бўлади. Шаққоз Ҳасанов бошчилигидаги бу гуруҳ асосан келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар билан ишлашга кенг эътибор беради. Ёшларда Ватанга муҳаббат, ўтмиш, қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш туйғуларини шакллантиради. Бу борада ўтказиладиган тадбирлар ҳам асосан ҳарбий-ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат, мустақиллигимизга ҳурмат мавзуларини ўз ичига камраб олади.

Уруш кўрган инсон, шоирпабиат 76 ёшли Шаққоз ота Ҳасанов ва собиқ қурол-дош дўстлари Бурҳон Боболов, Аҳрор Жўраев, Насрулло Латипов, Муҳаммади Эшонқулов, ака-ука Абдулла ва Абдуғани Мардиевлар айни пайтгача 18, 19 ва 22-умумтаълим мактабларида, туман мудофаа ишлари бўлимида учрашувлар ташкил этишиб, самарали ва хайрли ишларни амалга оширишмоқда.

Тиниб-тинчимас отахонларнинг бундай ибратли ишлари кўпчиликка намуна бўлаяпти. Ҳа, Ватанимиз истиқболига баҳоли қудрат улуш қўшмоқлик — кексами, ёшми, ҳар кимнинг фарзандлик бурчидир.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пастдарғом тумани.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япония ҳукумати Узбекистоннинг айрим вилоятларидаги оналар ва болалар шифохоналарини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиш учун мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида 676 миллион япон иени (5,8 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратди. Мазкур маблағ Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги болалар касалхонаси, марказий туғруқхона, «Она ва бола» марказларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, шу тарика улар фаолиятини яхшилашга сарфланади.

Вазирлар Маҳкамасида 6 март куни Узбекистон ҳукумати билан Япония ҳукумати ўртасида ана шу грант бўйича алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ноталарни Узбекистон Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев ва Японияннинг мамлакатимиздаги мувакқат ишлар вакили Х. Накажима имзолади.

**ЎзА.**

## ЮКСАК ИНТИЗОМГА ЭРИШИШ ИЎЛИДА

Капитан Р. Гадойбоев командирлик қилаётган бизнинг бўлинмамизда Жиззах гарнизони ҳарбий судьяси адлия катта лейтенанти Х. Раҳматов ва гарнизон ҳарбий прокурори ёрдамчиси адлия катта лейтенанти И. Бозоровлар иштирокида «Ҳуқуқ-тартибот» мавзусида суҳбат ўтказилди. Унда Жиззах шаҳри прокурори К. Одилов ҳам иштирок этди. Суҳбат давомида аскарлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишиб, тўлиқ маълумотлар олишди.

Бўлинмамизда ҳозирда «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида танлов ўтказишга тайёргарлик кўрилаяпти. Уни тайёрлашда сержантлар — Н. Парпиев ва У. Содиқов, кичик сержант Б. Бобобеков, оддий аскар С. Солиевлар фаоллик кўрсатишмоқда.

**Оддий аскар**
**Баҳодир ПАНЖИЕВ.**

● В ПЕРЕДОВЫХ КОЛЛЕКТИВАХ

# Поделись с друзьями мастерством

Рабочий день в разгаре. В авторемонтном цехе все заняты делом. Отлично справляются со своими обязанностями воины отделения, которым командует младший сержант С. Атаджанов.

— Этот коллектив, — говорит заместитель командира роты по технической части лейтенант В. Турсунов, — выполняет слесарно-механические работы. Успешному решению стоящих задач во многом способствует умелое овладение воинами специальностями. Все они —мастера высокой квалификации.

Осенью в отделение пришли два новичка. Младший сержант С. Атаджанов, а также опытные специалисты, встретив их тепло и радушно, расспросили, в какой помощи они нуждаются, организовали для них консультации, беседы, показ работы на технике.

В этом подразделении, занимающемся ремонтом техники, существует правило: воины, отлично владеющие специальностью, передают свои знания и опыт начинающим службу товарищам. Лучшим специалистам поручается оказывать помощь тем, кто испытывает трудности в овладении воинским мастерством.

Будущая профессия становится для новичков более понятной и интересной, когда их познакомят с работой передовиков. В отделении младшего сержанта С. Атаджанова с этого и начали.

Вновь прибывшие рядовые З. Саидазимов и Т. Ишанкулов познакомились сначала с методами работы лучших ремонтников — рядовых О. Тахирова и Ш. Норкулова. Передовики подчеркнули в ходе показа, что ремонт автомобилей требует высокой технической культуры и внутренней собранности. Они разъяснили будущим автослесарям особенности многих операций, порядок их выполнения, причины наиболее характерных ошибок, допускаемых иногда при ремонте тех или иных узлов и агрегатов.

И в дальнейшем наставники не упускали из поля зрения своих учеников, настойчиво передавая им свои знания и опыт.

В небольшом армейском коллективе все люди на виду. И пример опытных мастеров, умелых наставников оказывает на новичков самое непосредственное влияние. Вот и в этом отделении лучшие специалисты не только организовали помощь новичкам, но и помогали командиру, его заместителям изучать способности молодых воинов, проводили с ними индивидуальную воспитательную работу, заботились о качественном выполнении ими каждого задания.

И результаты такого отношения к делу не замедлили сказаться. Самостоятельно трудятся сейчас рядовые З. Саидазимов и Т. Ишанкулов, успешно справляясь со всеми поставленными перед ними задачами.

А задачи авторемонтники решают большие и важные. Добиваются того, чтобы поступившая в их распоряжение техника быстро и качественно была введена в строй, ведь от этого во многом зависит боеготовность всего подразделения.

— Вот почему мы серьезное внимание уделяем повышению профессионального мастерства наших специалистов, — говорит лейтенант В. Турсунов. — Ведем пропаганду военно-технических знаний. У нас действуют технические кружки, которые посещают все воины. Мы стараемся пробудить у них стремление к совершенствованию своей специальности, улучшаем материально-техническую базу, обеспечиваем взаимопомощь. Хорошим подспорьем в этом важном деле являются мероприятия, проводимые во внеурочное время: беседы, дополнительные занятия, консультации, обмен опытом, а также индивидуальное шефство лучших воинов над начинающими.

В автопарке, где трудится личный состав подразделения, оборудованы специальные места, где можно найти учебные пособия, памятки, плакаты или стенды, которые помогают грамотно эксплуатировать и ремонтировать технику. Все это оказывает конкретную помощь тем, кто заинтересован в повышении своих знаний и навыков.

Хорошо трудится личный состав подразделения на вверенном ему участке. Есть здесь свои автослесари, газоэлектросварщики, токари, мастера по ремонту электрооборудования, двигателей, вулканизаторщики. Многие из них за добросовестное отношение к своим обязанностям не раз поощрялись командиром. А впереди идут отделения младших сержантов С. Атаджанова, А. Ковалева, М. Юсупова.

Личный состав роты — на правильном пути. Здесь планомерно ведутся ремонтные работы, соблюдаются правила техники безопасности, распространяется опыт лучших воинов. Все это положительно сказывается на решении стоящих перед подразделением задач, на повышении его боевой готовности.

**Б. СЕРГЕЕВ.**

● МАМЛАКАТЛАР, МИЛЛАТЛАР, ОДАТЛАР

# ЧАД

## ЭМИ КОУССИ ЧУҚҚИСИ

Мамлакат Марказий Африканинг континентал қисмида жойлашган. Умумий майдони 1284000 километр квадратга тенг. Маълумотларнинг кўрсатишича, аҳоли ўсиш суръати бўйича 1999 йилга бориб 7127000 нафарга етиши мумкин. Айни пайтда ҳар километр квадратга 5 киши тўғри келади.

Мазкур мамлакат Франциянинг мустамлакаси бўлиб келган. 1960 йилда ўз мустақиллигини эълон қилади.

Миллий давлат мадҳияси «Зе чадиям» дея номланади. Байроғидаги яшил ранг умид ва осмонни, сариқ ранг қуёшни, қизил ранг эса олов ва бирлашишни ўзида ифодалайди.

Мамлакат расман Чад республикаси деб юритилади. Бош вазир ҳукуматни идора этади.

Чад республикасидаги энг баланд жой — Эми Коусси чўққиси ҳисобланади. У денгиз сатҳидан 1765 метр баландликда жойлашган.

Ушбу давлат 1960 йил 20 сентябрдан эътиборан нуфузли халқаро ташкилот — БМТга аъзо.

Миллий пул бирлиги — франк.

## СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАРИ

Чад миллий озодлик фронти партияси 1965 йилда ташкил этилди. Мазкур партия ўз дастурига кўра мамлакатдаги барча диний ва этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилигини сақлаб қолган ҳолда иш олиб борди. Бу йўналиш мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик ва инқилоб учун миллий иттифоқи партияси эса Хиссен Хабре ва унинг тарафдорлари томонидан 1984 йилда ташкил қилинди. Тарихдан маълумки, 1982 йил июнда мамлакат ҳокимияти тепасига «Шимол ҳарбий кучлари» деб номланувчи гуруҳнинг бошлиғи Хабре келди. Ва ўша йилнинг октябрь ойида ўзини мамлакат президенти деб эълон қилди.

Шунингдек, мамлакатда бошқа сиёсий ташкилот ва партиялар ҳам фаолият кўрсатади.

## 14 ТА ДИВИЗИОН

Чад республикасининг пойтахти — Н'Джамена шаҳри. Маъмурий бўлинишига кўра мамлакат 14 та дивизионга ажралади. Ҳар қайси дивизионда ўзининг маҳаллий ҳокимияти бор.

## ТОУБОУ ЭТНИК ГУРУҲИ

Француз ва араб тиллари расмий тил сифатида қабул қилинган. Мамлакат аҳолисининг 70 фоизи қишлоқда, 30 фоизи эса шаҳарда истиқомат қилади. Маълумотларга кўра, чадликларнинг олтидан биттаси ўқиш, ёзишни билишади.

Республиканинг ғарбий қисмида, кўпроқ араблар ва Тоубоу этник гуруҳи аъзолари яшашади.

## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалигида пахта, шоли, ерёнгоқ, чорва маҳсулотлари етиштириш яхши йўлга қўйилган. Саноат соҳасида пиво, сигарет, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш етакчи ўринда. Мамлакат Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо.

Мамлакат Франция билан якиндан ҳамкорлик қилади. Кўпчилик маҳсулотлар Франциядан олиб келинади. АҚШ ва Франция давлатлари мамлакат тараққий этиши учун якиндан ёрдам бериб келмоқда.

## БИР ФОИЗДАН КАМИДА...

Пойтахтда халқаро аэропорт жойлашган. Мамлакатда «Ал-Ватан» ҳафталиги анча оммавий. Шунингдек, ҳукуматнинг «Инфо Чад» номли газетаси ҳам кўплаб ўқувчиларига эга. Мамлакат аҳолисининг бир фоизидан камида шахсий машина, икки фоиздан камида радио, приёмник, телевизорлари бор.

**А. САФАРОВ тайёрлади.**



Фан ва техника янгиликлари

## ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИ

Ғарбий Европа автомобиль харидорлари машиналарнинг шинам, хавфсиз ва экология жиҳатидан зарарсиз бўлишига кўпроқ эътибор қаратишади. Автомобиль, мотоцикль ва велосипедларнинг Брюсселда очилган 76-Халқаро бозори ҳам бундан далолат беради.

Халқаро автомобиллар салонида 330 та стенд мавжуд бўлиб, ташкилотчилар ҳисоб-китоби бўйича, уларни томоша қилиб чиқиш учун беш соатга яқин вақт кетади. Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бу автомобиллар бозорига ўтган гал 700 минг киши ташриф буюрган.

## СОБАКИ ПОМОГАЮТ ЗДОРОВЬЮ

В последнее время собаки становятся все более частыми и желанными гостями в клиниках США. Американские медики доподлинно выяснили, что даже 15-минутное ежедневное пребывание у больничной койки четвероногого друга, предварительно тщательно вымытого, продезинфицированного и осмотренного ветеринаром, способствует в большинстве случаев улучшению здоровья пациентов.

## «Ф-300» ҒОЛИБ БУЛМОҚЧИ

«Ҳар қандай вазият бўлишидан қатъи назар, биз чемпионат ғолиби бўлишимиз керак», — деди Италиянинг Маранелло шаҳарчасида янги моделдаги «Формула-1», «Ф-300» устига ёпилган атласни очар экан, «Феррари» автомобиль компаниясининг президенти Лука Кордеро ди Монтецемело.

«Формула — 1» тожи учун бу йил немис пойгачиси Михаэль Шумахер курашадиган янги машина олдингилардан хажман кичикроқ. Унинг узунлиги — 434, эни — 180, баландлиги эса 96 сантиметрни ташкил этади. Бакларига ёнилги ва мой қуйилгандаги машинанинг оғирлиги — 600 кг.

Янги «Ф-300»га «Феррари — 047»нинг 10 цилиндрли двигатели ўрнатилган. Цилиндрлар икки қаторга бештадан 80 даражали бурчак бўйича жойлаштирилган. Олд ва орқа ғилдираклариннг катталиги бир хил.

## НЕ ПОКУПАЙТЕ ПЕНИСТЫХ ПАСТ

Фармацевты из Федерального объединения аптек Германии утверждают, что самая лучшая паста — это всегда та, которая меньше пенится. И хотя в народе считается, что пена делает процесс чистки зубов приятнее и облегчает споласкивание, с позиций науки содержащиеся в пене поверхностно-активные вещества (тензиды) сплошь и рядом могут способствовать хроническому раздражению слизистых оболочек полости рта.

## ОКЕАН СУВИДАН ОЛИНАДИ

Намибияда қиймати тахминан 100 млн. АҚШ доллари га тенг йирик лойиҳа бўйича Атлантика сувини қайта ишлаш натижасида магний ва алюминий, шунингдек, бром, серий ҳамда кальций олиш мўлжалланмоқда.

Намибиянинг бош порти Уолфиш-Бейдан 12 км шимолроқда океан сувини электродиализ йўли билан қайта ишлайдиган химиявий завод қурилади. Бу ерда минерал ҳом ашёдан ташқари «чиқинди сифатида» тўрт миллион куб метрга яқин ичимлик суви ҳам ишлаб чиқарилади. Қурғоқчилик кўп бўлаётган Намибияда ичимлик суви жуда-жуда қадрланади.

Заводнинг дастлабки иккинчи линияси шу йилнинг охирида ишга тушади. 1999 йилнинг апрелига келиб, завод тўла қувват билан ишлай бошлайди.

## ИНТЕРЕСНАЯ НАХОДКА

Недалеко от Чебоксар строителями обнаружена очень любопытная для археологов вещь. На месте строительства плотины через реку Сура обнаружен хорошо сохранившийся скелет мамонта. У доисторического животного остались нетронутыми не только кости, но и хрящи, и даже засохший мозг. Прежние находки в этих местах позволяют сделать предположение о нахождении там целого кладбища мамонтов.

**Матбуот материаллари асосида тайёрланди.**

СЕШАНБА Ўқиғанларим

# Маънавиятимиз жонкуярларидан бири

**Шермат ака Ерматов «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, Мустақиллигимизнинг 6 йиллик тўйида Ўзбекистон халқ артисти унвонига эга бўлган. Мана қариб икки йилдирки, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Шермат ака қанақа унвон, қанақа лавозимга эга бўлмасин, барибир халқимиз учун «Булбулча»нинг устози бўлиб қолаверади.**

Илгарилари қишлоқларда шифер, тунука томлар бўлмасди. Болакайлар томматом юришиб, турли ўйинлар ўйнашарди. Аммо у негадир болалардан ажралиб, ўзига ўхшаган 3-4 та оғайниси билан нуқул «артист-артист» ўйнарди. Айниқса, Наврўз пайтлари томга чиқиб, тиззадан келадиган лолалар ичида қўшиқ айтишнинг гаштини айтмайсизми. Ҳали қалбига армонлар ин қўйиб улгурмаган болакайни қўшиқ-куй ўз сеҳрли оғушига олганди.

Ҳа, куй-қўшиқ шундай сирли ҳилқатки, у жисмга жон ато қилади, қалбларга ором олиб киради. У эзгулик макон тутган юракларда яшайди. Она алласи билан юрагига қўйилган куй, қўшиқ уни ўз оламига олиб кирди. Энди у ана шу ҳилқат ичида яшамоқда. Бу инсон ҳозирда сизу бизга маълум Шермат Ерматовдир.

— Уч ёшимдан бошлаб доира чалганман. Олти ёшимда мактабга беришганида қайсарлик қилиб, доирамни ҳам кўтариб борганман, — дейди Шермат ака.

— Кўнглингизга олманг-у, фамилиянгиз машҳур киношунос Комил Ерматовникиларидошчилигингиз йўқми?— сўрайман ҳазиломуз ундан.

— Кўпчилик шунақа деб ўйлайди. Ҳатто «машҳур киношуноснинг ўғли бўлгандан кейин элга танилади-да», деган гапларни ҳам эшитганман. Аммо, афсуски, Комил ака Ерматов билан ҳеч қандай яқинлигимиз йўқ. Улар билан ақалли бир марта салом-алик ҳам қилмаганман.

Билишимча, отам Ермат Шукуров деҳқон бўлган экан. Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаганлар. Гўринурга тўлгур онам Гулшан ая 2 қиз ва 2 ўғилга ҳам оталик, ҳам оналик қилганлар.

**— Илк бор телевиденіега чиққанингизни эслосангиз?**

— Консерваторияда ўқиб, ҳам ишлардим. Тақдир тақозоси билан Тошкентдаги 99-мактабга ишга келдим ва у ерда «Бойчечак» гуруҳини тузидик. 1964 йилда «Панорама» (ҳозирги Алишер Навоий номидаги санъат саройи) кинотеатрининг очилиш маросимида хор билан ашула айтдик ва илк бор зангори экранга чиқдик.

**— «Булбулча» ансамбли юрагингизнинг бир бўлагидай гап. Бу болаларга бўлган меҳрингизданми ёки...? Демоқчиманки, уларга устозлик қилаётганингизда санъатга бўлган муҳаббатингиз устунлик қиладими ё болаларга бўлган меҳрингиз?**

— Менга таниш-ларим «Шермат ака, кўзингизда болаларни ўзингизга тортадиган сирли нур, қалбингизда оҳанрабо бор», дея ҳазиллашишади. Аввало болаларга бўлган меҳрим — Ватанга бўлган меҳримдир. Энди саволингизга келсак, мен тарбиялаётган болалар санъатга ҳам, менга ҳам бирдай меҳр қўйишган. Демакки, тарозининг палласи тенг.

**— Оилангиз ҳақида ҳам бир оз тўхталсангиз?**

— Кеннойингиз Муҳаббат уй бекаси. Икки нафар қиз ва бир ўғлимиз бор. Катта қизим Глиэр номидаги мусиқа мактабида ўқитувчи, иккинчи қизим шифокор. Ўғлим Комил эса тижоратчи.

**— Шермат ака, биринчи ёзган мусиқангиз ҳам болаларга оид эдими?**

— Ҳа, Ҳайдар Муҳаммад деган шоир дўстимиз менга Наримон Орифжонов қаламига мансуб «Янгра барабан» шеърига мусиқа ёзиб беришимни маслаҳат берди. Ва шу баҳона қўк қўшиғим дунёга келди. Ҳозирга келиб эса юздан ортиқ қўшиқларим бор.

**— Фақат болалар учун ижод қилганмисиз ёки катта санъаткорларга ҳам мусиқа ёзиб бердингизми?**

— Эътибор Охунованинг «Ҳонатлас», Оллаёрнинг «Бир қиё боқайми ёр», О. Ҳакимовнинг «Қайданам кўрдим сени» каби кўплаб шеърлар асосида яратган қўшиқларим катта санъаткорлар ижросида янграб келмоқда.

**— Халқимиз сизни санъатимиз, маданиятимиз, маънавиятимизнинг жонкуярларидан бири сифатида билади. Сир эмаски, ҳозирда кўпчилик ёшлар мумтоз мусиқий дурдоналаримизни, бойлигимизни босиб ўтиб, ғарб оҳангларига йўргаламоқда. Бунга муносабатингиз?**

— Жуда оғриқли муаммони ўртага ташладингиз. Санъат остонасидан ҳатлаб ўтиш бошқа, унинг тевараги да айланиб юриш бошқа. Ўзи бир қўшиқ, мусиқа ярата олмайди-ю, ғарб куй-қўшиқларини оранжировка қилиб, машҳурликка даъво қилади. Бундай куй-қўшиқнинг умри қисқа бўлади.

Шуни афсус билан айтишим керакки, жойлардаги мусиқа мактабларимизда жуда паст савияда билим берилади. Ёшлар мумтоз мусиқа санъатимизнинг нима эканлигини англамаслигининг битта сабаби ана шунда. Бу борада бир канча амалий ишлар қилиш ниятим бор.

**— Зиммангизда масъулиятли вазифа, ижодга ҳам улгураяпсизми?**

— Ўзбекистон радиоси билан ҳамкорликда «Қўшиқ ва маънавият» эшитиришини ташкил этганмиз. Ҳар ҳафта мазкур эшитиришни олиб боришга ҳаракат қиламан. Қолаверса, 25 йилдан бери телевизор саҳнасидан тушмай келаётган «Қўшиғим жон қўшиғим» кўрсатувини давом эттираяпман. Ҳар бир байрам, Мустақиллик тадбирларида «Булбулча»нинг янги дастурлар билан чиқишига ўринаяпман.

**— Шермат ака, она-юртимиз посбонларига Ватан, она, ватанпарварлик мавзуидаги қўшиқлар руҳан далда беради, шундаймасми?**

— Шубҳасиз. Нимага шаъма қилганингизни тушундим. Нега бастакорларимиз ёки ўзингиз бу борада кўпроқ ижод қилмайсиз, демоқчисизда. Менинг ўйлаб қўйган ниятларим йўқ эмас. Ҳақиқатан ҳам машҳур бастакорларимиз посбонларимиз учун саф қўшиқлари, она-Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар устида кўпроқ ижод қилишса, айни муддао бўларди.

**— Фурсатдан фойдаланиб, посбонларимизга тилакларингизни билдирсангиз.**

— Йигитларимиз Оила йилида ягона оила бўлиб, виждонан ўз бурчларини адо этишсин. Ота-онаси, халқи, Ватани шаънига ҳеч қачон доғ туширмасинлар. Улар қалбларини мардлик, ҳушёрлик, жанговар шайлик тарк этмасин.

**Лейтенант А. САФАРОВ суҳбатлашди.**

Этот пестрый мир

## КТО ИЗОБРЕЛ ЗАВИВКУ?

С древних времен люди пытались подражать естественным завиткам волос. В Европе завивку изобрел француз Марсель. Три года он занимался опытами, не раз мастер увольнял его за неудачные попытки внедрить свое изобретение в жизнь. Марсель умолял своих первых клиенток разрешить бесплатно сделать им завивку, а через десять лет ему стали платить за прическу огромные деньги.

## ТОВЛАМАЧИЛАР ҲИЙЛАСИ

Риганинг Курземский туманида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини икки ёш товламачи чув туширишди: ўзларини санэпидстанция ходимлари деб таништириб, «хонадонларда лайма касаллигини ташувчи чумоли ва сувараклар пайдо бўлган», деган ўйдирма билан одамларни қўрқитиб, ўзлари ихтиро қилган сохта дориларнинг ҳар банкачасини салкам 4 доллардан пуллашган. Хавфли касаллик юқишидан хавотирга тушган кишилар уни олавериш ган.

Мабодо сезгир одамлар бу ғирромликни сезиб қолишмаганда ким билади, пихини ёрган ҳийлагарлар яна қанча текин даромад қилишарди?! Ҳозирда шаҳар полицияси улар изига тушган.

## ОШИБКА ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ

Известная как ошибка тысячелетия, проблема 2000 года, она является одной из самых вредоносных сил для современной вычислительной техники, говорится в «Ю. С. ньюс энд уорлд рипорт».

Это началось в 1960 годах, когда компьютеры стоили дорого, а их память была ограничена. Чтобы сберечь место, программисты писали даты только двумя последними цифрами года. Для компьютера 1998 год был просто «98». В чем же проблема? 1 января 2000 года около 90 процентов технического и программного оборудования компьютеров мира будут думать, что это первый день 1900 года.

## ЭСДАЛИКЛАР КИТОБИ

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири ва консерваторлар партияси етакчиси Жон Мейжор ўзидан олдинги бош вазир — Маргарет Тэтчер сингари ўзининг олти йиллик бош вазирлик йиллари ҳақида эсдаликлар ёзмоқчи. Бундан воқиф бўлган «Харпер Коллинз» нашриёт-фирмаси энди ёзиладиган китобни 1999 йилда босмадан чиқариш бўйича Жон Мейжор билан тегишли шартнома тузиб ҳам қўйди.

## ПОВЕЗЛО!

Бывшему полицейскому, ныне пенсионеру, Д. Джарвису в английском городе Норвич повезло. Он попал в грозу и оказался мишенью для молнии, но остался жив. Спасли его старые резиновые шлепанцы, в одну из которых ударила молния, приобрел он их три года назад и собирался уже выбрасывать. Сейчас Дэвид говорит: «Они стоили 3 фунта 99 пенсов, и думаю, что более выгодно истратить эти деньги я не мог бы. Я знаю теперь, что самое важное в жизни — сама жизнь».

**По материалам печати.**

● 1998 ГОД — ГОД СЕМЬИ

# ДОРОЖИТЬ УМЕЙТЕ СЧАСТЬЕМ

— Вот-вот Виктор придет, — сказала Анна Михайловна. — И мы сядем за стол. У нас уже почти все готово.

Воскресенье. В квартире Тимофеевых, что на 20-м квартале Чиланзара, в этот день, как правило, накрывается праздничный стол. Да и как же иначе, считает хозяйка, если раз в неделю вся семья в сборе. Муж Алексей Федорович, дочь Нина — студентка, сын Виктор, который «вот-вот» должен подойти, и его жена Лена — молодожены.

Виктор — их старший сын. Офицер. Служит в одной из частей Ташкентского гарнизона.

— Сегодня мог бы и не ходить на службу, — говорит Алексей Федорович. — Командир предоставил ему выходной. Да куда там?! Виктор у нас душой болеет за дело. «Пойду, говорит, посмотрю, как там мои ребята без меня...» Служит он хорошо. Старшие начальники им довольны. Не раз приходилось беседовать с ними. И я рад за нашего лейтенанта, который успешно справляется с возложенными на него обязанностями.

Анна Михайловна застелила стол красивой скатертью. Нина и Лена стали приносить различную снедь. Каких только блюд ни наготовили! Раздался звонок.

— Иду, иду, — воскликнула Анна Михайловна. — Это наш защитник.

В гостиную вошел высокий широкоплечий лейтенант. По открытой улыбке сразу понял: это Виктор, очень похож на мать. Рядом с ним — его друг, тоже офицер. Представляется: «Анвар».

— Раздевайтесь, мойте руки и за стол, — скомандовала Анна Михайловна.— Молодцы, вовремя подоспели!

Жизнь Тимофеевых прочно связана с Ташкентом. Здесь жили и работали их родители. Здесь продолжают трудиться Алексей Федорович и Анна Михайловна. Он — мастер цеха на одном из заводов, она — медсестра в районной поликлинике.

— В молодости была я быстрая, — вспоминает Анна Михайловна. — Помню, сидела дома, когда сын у нас появился. Семья была большая, мы тогда с родителями жили. И в магазин сходить, и сготовить, и постирать, и убраться... Всё — на мне! Когда только успевала! Сейчас вот дочкой и снохой любуюсь: расторопные. Готовят хорошо! Я у них порой учусь.

Квартира у Тимофеевых трехкомнатная. Живут впятером, дружно, без ссор и обид. (Молодым, конечно, лучше жить отдельно, считают старшие, но пока Виктору квартиру не обещают, надо подождать).

Кухня, правда, маловата. Но оборудована хорошо. Алексей Федорович постарался. Он на все руки мастер. Сын ему помогал, многое у отца перенял на будущее.

Но лучше всего оборудована комната молодоженов. Сделанные отцом и сыном два узких книжных шкафа разделяют ее как бы на две части: рабочую и для отдыха. На подоконнике — цветы, по обе стороны окна — удобные полки для книг.

— Папины уроки хозяйствования не прошли бесследно, — говорит Виктор. — И очень помогают мне в службе. Вместе с солдатами мы многое сделали по улучшению бытовых условий в казарме. Не случайно наша рота считается лучшей в части.

После вкусного обеда и чая с тортом, плюшками, ватрушками мы уединились в комнате Виктора и Лены. Вели разговор о ведении семейного бюджета, о том, как они планируют покупки, расходы на отпуск. Выяснилось, что молодые люди поступают дальновидно: планируют траты, бережливо относятся к заработанному.

— Это у нас от мамы, — говорит Виктор. — Она — прекрасный экономист. И нам многое дала в этом отношении. Впрочем, все планирование бюджета проходит в тесном семейном кругу. Но тут, конечно, всем заправляет мама. Правда, без нашего согласия не решается ни один вопрос. Мамины уроки нам тоже пригодятся, когда будем жить отдельно. Но мы не спешим. Нам хорошо со своими.

И еще. Лена тоже работает. Учительницей в школе. Готовится стать мамой. Значит, забот в семье скоро прибавится.

— А по хозяйству помогаете жене? — спрашиваю у Виктора.

— Он у меня — молодец! — говорит Лена. — И пол моет, и погладить может, и в магазин сходит, если свободен от службы...

Но, увидев, что Виктора стесняет этот разговор, меняет тему: «Да, я и сама эти домашние дела люблю. С мамой, Ниной мы, если возьмемся, то тут уж, как говорится, дым коромыслом...»

И, действительно, всюду уют, чистота, порядок. Ни соринки, ни пылинки...

Вот такая дружная семья проживает в Ташкенте. В ней все трудятся. Хорошая, здоровая семья, одна из многочисленных ячеек нашего общества. И с первой минуты пребывания в ней мне показалось: всем здесь хорошо, все счастливы и готовы поделиться счастьем с другими.

**Б. СЕРГЕЕВ.**

## ТУРКИЙ БЎСТОН

Сабр бу беқарора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,
Чора бу оҳу зора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Йўлида мунтазирлигим ҳаддидин ўтди найлайин,
Тоқатим интизора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Бир манга олам ичра ул ёрни кўнглидек қатиг,
Пургина санги хора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Барчани дардига даво бордурур вале менинг
Дардима ҳеч чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Масти майи ҳузурдур сархуши, завқ бўлгоя эл,
Ман каби бир ҳумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Офият аҳлидин бориб оқибат истайин десам,
Одати истиора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Еди хаёли бас манго, бас мани даҳри дун аро,
Ҳожатим эътибора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Кўйида ҳажр тунлари баҳри сиришкима менинг
Олам аро канора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Гарчи эрур Баённё сабру қарор сулманд,
Сабр бу беқарора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

**БАЁНИЙ.**

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## НАПОЛЕОННИНГ ИККИ ХАТОСИ

**БИРИНЧИ ХАТО.** Маълумки қадимда кемалар фақат елканлар ёрдамида шамол кучи билан юрган. Бу эса кўп ихтирочиларни ўйлашга мажбур этган. Англиялик ихтирочи Роберт Фултон ҳам елкансиз, шу билан бирга шамол бўлмаса-да юраверадиган кема ясашни орзу қиларди. Бироқ уни қўллаб-қувватлайдиган ҳукмдор Европада йўқ эди. Император Наполеон уни авантюрачи, дея ҳақоратлаган эди. Бундан дарғазаб бўлган Фултон уммон ортига бош олиб кетди. У кетишдан аввал Англиянинг «Бултон энд Уатт» фирмасига буғ машина буюртма берган эди.

Фултон Америкага боргач, дўсти Р. Ливингстондан моддий кўмак олди ва ўз гоясини амалга оширди. Кема бортига Англиядан олиб келган буғ машинасининг двигателини ўрнатди. 1807 йилда кема биринчи бор сувга туширилди.

1815 йилда Наполеон Бонапарт жангда маглуб бўлгач, уни Муқаддас Елена оролига сургун қилишади. Ўшанда уни оролга елканли кемада олиб кетишаётган пайтда елкансиз юрадиган кема уларни тезда қувиб ўтади. Наполеон ҳайратланганча: «Бу кемани ким қурган?» — дея савол беради ва «Роберт Фултон», деган жавобни эшитади. У шу заҳоти ўзининг ихтирочига нисбатан ноҳаклик қилганини ҳис этади, қаттиқ афсусланади.

**ИККИНЧИ ХАТО.** Швециялик бир киши кимошди савдосида жуда қиммат нархга Наполеон Бонапартнинг шахматини сотиб олди. Бир куни у шахмат доналаридан бирининг буралиб очилишини сезиб қолди. Дона ичидан қочиш режаси ёзилган мактуб чиқади. Маълум бўлишича, 1816 йили император дўстларидан бири Наполеон жазо муддатини ўтаётган Муқаддас Елена оролига шахмат юборади. Афсуски, Бонапарт шахмат донасига яширинган «сир»ни фаҳмламай, қочиш режасидан бехабар қолади...

**А. УСМОНОВ тайёрлаган.**

● В ГАРНИЗОННЫХ ДОМАХ ОФИЦЕРОВ

# ВСЕ ДЛЯ ПОЛНОЦЕННОГО ДОСУГА

**Какому офицеру после напряженного дня, заполненного ратным трудом и заботами о личном составе, не хочется отдохнуть? Однако в отдаленных гарнизонах, таких как Термезский, в самом городе не так уж много возможностей для плодотворного проведения досуга. И потому свои надежды военнослужащие в первую очередь возлагают на гарнизонный Дом офицеров.**

**О том, насколько удается удовлетворять запросы посетителей, о перспективах на будущее наш корреспондент беседует с начальником Термезского ГДО майором Салохитдином АТАКУЛОВЫМ.**

**— Очевидно, переход на рыночную экономику оказал влияние и на вашу работу...**

— Конечно, ведь раньше вся деятельность культурных учреждений финансировалась из госбюджета. А сейчас у нас только 10 бюджетных штатных единиц, а 9 штатных должностей содержится за счет своих доходов. Поэтому тоже приобщаемся к рынку, учимся зарабатывать деньги. Так, художественно-оформительская бригада Дома офицеров на договорной основе помогает в благоустройстве территории подразделений гарнизона. Приносят доход фотоателье, переплетный цех. Недавно заключили договор с частной фирмой «Нуроний» на организацию в парке Дома офицеров чайханы. Причем в договор включен пункт о бесплатном предоставлении фирмой кухонного инвентаря и имущества для проведения здесь воинскими коллективами праздничных мероприятий и встреч родительских делегаций.

**— В офицерской среде немалая доля приходится на молодежь. Какие услуги предоставляются молодым?**

— По субботам и воскресеньям проводим дискотеки, которые пользуются большим успехом. По праздникам перед любителями эстрады выступает вокально-инструментальный ансамбль «Давр».

Любители чтения посещают библиотеку, где заведующей Санобар Бабаджанова. Книжный фонд насчитывает более 20 тысяч экземпляров.

К сожалению, не пользуются особым спросом услуги кинотеатра: по всей видимости, большинство предпочитают просмотр видеофильмов в домашней обстановке. И все же даже для небольшого числа посетителей показываем кинофильмы.

Конечно, этот спектр услуг довольно скромен, однако для его увеличения пока нет возможностей.

**— А что можете предложить членам семей военнослужащих?**

— Курсы кройки и шитья, где за 5 месяцев с помощью Рано Рахмоновой желающие могут освоить это очень нужное в доме ремесло. Тем, кому нравится профессия секретаря-делопроизводителя, необходимые знания даст Гульнора Махмудова, причем вместе с удостоверением установленного образца. Таким образом, мы вносим свою лепту и в трудоустройство членов семей военнослужащих.

В перспективе мечтаем о том времени, когда нам удастся создать все условия для полноценного отдыха военнослужащих и их семей. А пока большая часть получаемых доходов уходит на благоустроительные работы. В частности, недавно закончили капитальный ремонт здания — зрительного зала, фойе, танцевального павильона. Строится водонапорная башня для полива деревьев в летний период. Ведутся работы и по благоустройству парка, обновлению деревьев.

В эти дни усиленно готовимся к тому, чтобы достойно отпраздновать Навруз — любимый праздник нашего народа.

**Беседовал капитан А. КАМАЛОВ.**

● ПОЭТИЧЕСКОЙ СТРОКОЙ

## Женщине

Пусть день твой будет
солнечным, прекрасным,
И розами твой будет
устлан путь.
И каждый вечер —
звездным, чистым, ясным,
О, Женщина, всегда
счастливой будь!

Когда, играя первозданной
силой,
Творила этот мир
природа-мать,
Она в тебя, о, Женщина,
вместила
Всю красоту свою и
благодать.

В тебе порыв грозы,
сиянье,
Великолепье гор и
норов рек,
Отрада глаз, души
очарованье,
Тобою вечны мир и
человек.

В тебе природа все свое
искусство
Запечатлела, чтоб
сказать: «Хвала!»
И для тебя потом в
порыве чувства
Влюбленного мужчину
создала.

**Турсуной САДЫКОВА.**
**(Перевод с узбекского).**

# КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 7. Название узора, вышиваемого на чустских тюбетейках. 9. Балет узбекского композитора Г. Мушеля. 10. Высокие сапожки на мягкой подошве. 11. Ценный мех. 12. Богиня памяти в греческой мифологии, мать 9 муз. 15. Неоднократная чемпионка мира и Олимпийских игр по спортивной гимнастике 1970—1976 гг. 18. Набор столовой или чайной посуды. 19. Жанр американского кино. 20. Сосуд для приготовления кофе. 21. Место ссылки А. Навои. 24. Стихотворение Г. Гейне. 26. Первая русская женщина-офицер. 27. Предмет кухонного оборудования. 31. Фамилия Тамары Ханум. 33. Популярная эстрадная певица. 34. Уважительное обращение к женщине в ряде стран Востока. 35. Старинный русский головной убор замужней женщины. 36. Летчица, участница беспосадочного перелета Москва—Дальний Восток в 1938 г.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Героиня эпоса «Алпамышь». 2. Героиня романа А. Дюма. 3. Узбекское настенное украшение. 4. Женское имя, в переводе с латинского — «морская». 5. Стихотворение А. Пушкина. 6. Скульптор, автор памятников А. Пушкину в Ташкенте и Х. Алимджану в Джизаке. 8. Богиня любви и красоты в греческой мифологии. 13. Актриса, народная артистка Узбекистана, первая исполнительница женских ролей в труппе Хамзы. 14. Внутренний слой раковин моллюсков, широко применяемый для изготовления женских украшений. 16. Имя снайпера Ганиевой, отличившейся в сражении под Москвой, которой посвящено стихотворение М. Шейхзаде. 17. Женское украшение. 22. Поделочный камень для женских украшений, красная разновидность халцедона. 23. Узбекский исторический дастан. 25. Художественно выполненная небольшая коробка для хранения украшений. 28. Южное плодовое дерево. 29. Узбекская поэтесса, просветительница XIX в. 30. Женское украшение. 32. Песня в исполнении А. Пугачевой.

**Составил Е. КЛЕМЕНОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ 26-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** 7. «Шашмақом». 8. Мериднан. 10. Дискотека. 11. Пайса. 12. Норин. 13. Ребус. 15. Шаршара. 17. Учкудук. 19. Гранит. 20. Карачи. 24. Полигон. 26. Рискиев. 28. Тахта. 29. Чайир. 30. Аккра. 31. Урдубодий. 34. Гонолулу. 35. Волейбол.

**БУИИГА:** 1. Пачкамар. 2. Қандала. 3. Бокс. 4. Пеле. 5. Чиғанок. 6. Баргизуб. 9. Дорбоз. 13. Радлант. 14. Суматра. 16. Шўрчи. 18. Урчуқ. 21. Қораялоқ. 22. Духоба. 23. Метроном. 25. «Гўрўғли». 27. Снайпер. 32. Далв. 33. Диод.

● СПОРТ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТУРНИР ПО БОКСУ

## УДАЧНЫЙ ДЕБЮТ УЗБЕКИСТАНЦЕВ

В России завершился Международный турнир по боксу, в котором приняли участие молодые боксеры из семи стран Европы и Азии. Узбекистан представляли семь спортсменов, впервые выступавших на соревнованиях такого ранга.

Несмотря на отсутствие опыта, двое наших дебютантов — Фархад Джуманазаров из Навои и Джамол Ибрагимов из Бухары—стали обладателями серебряных наград. Впереди у них международные соревнования в Казахстане и Венгрии.

**УзА.**

## ПОГОДА

**По сообщению Главгидрометцентра, 10—12 марта в республике будет облачно.**

**Температура воздуха в эти дни будет ночью — 2÷3, днем 7—12 выше нуля. На юге Узбекистана ночью +1÷4, днем 12—17 градусов тепла.**

Боевые друзья, сослуживцы глубоко скорбят по поводу безвременной кончины ветерана Вооруженных Сил участника войны 1941—1945 гг. подполковника в отставке

**ЛЫСЕНКО Михаила Пантелеевича**

и выражают искреннее соболезнование родным и близким.

Бош муҳаррир подполковник И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: г. Ташкент, 700031 ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: военной службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Заказ № 0121.